БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

6-ИИЛ ЧИҚИШИ
№ 56 (1318)
18 МАРТ ЧОРШАНБА 1959 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН

Совет халқи партия раҳбарлигида иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий турмушнинг ҳамма соҳаларида шундай ғалабаларга эришдики, бу ғалабалар коммунистик жамиятнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва коммунизмга планли равишда ўтиш вазифаларини амалий равишда ҳал қилиш имкониятини беради.

(КПСС XXI съездининг резолюциясидан).

Етти йилликнинг биринчи йили топшириғини муддатидан илгари бажарайлик

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXI съезди мамлакатимизда коммунистик жамият қурилишининг кенг авж олдириб юбориш юзасидан ишлаб чиққан гоят катта программасини амалга ошириш учун бошланган кураш тобора кенг қулоч ёйиб, чинакамига умумхалқ ҳаракатига айланиб бормоқда. Совет халқи партия қарорларини бажаришни ҳамиша ўзининг жонажон иши деб қабул қилиб келди. Зотан меҳнаткашларнинг моддий-маданий турмуш даражасини тинмай яхшилай бориш, мамлакат куч-қудрати ва шон-шуҳратини тағин ҳам ошириш партиямиз фоалиятининг энг олий қонуни бўлиб келди ва бундан кейин ҳам худди шундай бўлиб қолади.

Етти йиллик план мамлакатимиз экономикасини бундан кейин ҳам зўр бериб ривожлантиришнинг жуда катта ва ёрқин истиқболларини очиб берди. Партия XXI съезднинг тарихий қарорларидан бениҳоя руҳланган областимиз меҳнаткашлари ҳам барча совет кишилари қатори етти йиллик планни, жумладан 1959 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилиб, ишлаб чиқаришдаги янги-янги резервларни топмоқдалар ва ишга солмоқдалар. Кенг меҳнаткашлар оммасининг сиёсий активлиги, ижодий ташаббускорлиги ва меҳнат соҳасидаги ғайрати кун сайин, соат сайин ошмоқда. Завод ва фабрикаларда, транспорт ва қурилиш ташкилотларида, колхоз ва совхоз далаларида социалистик мусобақа байроғи тобора баланд кўтарилмоқда.

Областимиздаги илғор саноат корхоналарининг коллективлари мамлакатимизда коммунистик жамият қурилиши ишига кўпроқ ҳисса қўшиш мақсадида мавжуд имкониятларини ҳар тарафлама ўрганиб ва ҳисоблаб чиқиб, ўз зиммаларига етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилмоқдалар. Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ажойиб ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. Улар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш етти йиллик планини олти йилда бажариш, меҳнат унумдорлигининг 1965 йилга белгиланган даражасига 1961 йилда ёки узоғи билан 1962 йилдаёқ эришишга қарор қилдилар. Корхона ишчилари олинган мажбуриятни шараф билан бажариш учун барча резервлардан тўла ва унумли фойдаланиб, иш суръатини тобора оширмоқдалар. Олмалиқ бинокорлари эса қурилиш-монтаж ишлари планини ортиғи билан бажариш, бинокорлик ишларини кенг қўламда индустриалштириш юзасидан Ўзбекистондаги барча қурувчиларга Мурожаат билан чиқдилар.

Миллионларнинг жонли иши бўлган социалистик мусобақа коммунистик жамият қурилиши соҳасида олдимизда турган улуғвор вазифаларни муваффақият билан амалга оширишда гоят катта кучдир. Корхоналарда, транспорт ва қурилиш ташкилотларида етти йиллик план топшириқларини ортиғи билан бажариш имконини берувчи резервлар битмас туганмас. Вазифа — оммаларнинг ижодий ташаббускорлигини ва активлигини ана шу резервлардан фойдаланишга сафарбар этишдан иборатдир. Социалистик мусобақа қанчалик кенг қулоч ёйса, у ўз бағрига қанчалик кўп коллективни жалб этса, барлари олмалиқликлар тажрибасини оммалаштириш тўғрисида ҳалигача жиддий бош қотирмаётирлар.

Шуни унутмаслик керакки, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларининг, шунингдек илғор коллективларнинг тажрибалари халқ бойлигидир. Бу бойликдан баҳраманд бўлмаган бирорта ҳам коллектив қолмаслиги керак. Зотан қолоқларни илғорлар қаторига тенглаштириш ва шу йўл билан умумий юксалишга эришиш социалистик мусобақадан кутилган асосий натижадир. Қаерда коллектив ўртасида социалистик мусобақани ташкил этиш, унинг бераётган ажойиб натижаларини кенг оммалаштириш билан чинакамига шуғулланилаётган бўлса, ўша ерда техника-иқтисодий кўрсаткичлар тобора яхшиланмоқда.

Социалистик мусобақа — жамиятимизни ҳаракатга келтирувчи асосий дастаклардан биридир. Лекин айрим хўжалик раҳбарлари, партия ва касаба союз ташкилотлари социалистик мусобақанинг гоят катта кучига, унинг аҳамиятига ҳалигача тўла тушуниб етмаётирлар. Шунинг учун ҳам улар коллектив ўртасида мусобақани ташкил этиш билан жуда юзаки ва расмият учунгина шуғулланмоқдалар. Жумладан Янгийўлдаги «Нормаль» заводида худди ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу ерда цехлараро тузилган мусобақа шартномалари бор. Лекин бу шартномаларнинг қандай бажарилаётганлигини, мусобақада қайси цех коллективи голиб чиқаётганлигини ҳеч ким яхши билмайди. Мусобақа голибларининг номи ёзиладиган «Кўрсаткич тахта»эса хўжакўрсингагина ўрнатиб қўйилган. Корхонада деворий газета онда-сондагина, одатда байрамда ва тантаналар олдидан чиқарилади. «Молния» ва «Жанговар варақа»лар чиқариш эса завод партия, касаба союз ва комсомол ташкилотининг эсидан мутлақо чиқиб кетган.

Мажбурият олдингми — уни бажар! Лекин галаба ўз-ўзидан келмайди, уни курашиб қўлга киритмоқ зарур. КПСС XXI съезди тарихий қарорларини оғишмай амалга ошириб, саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотларининг коллективлари ўртасида етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун бошланган социалистик мусобақани янада кенг авж олдирайлик!

Н. С. ХРУШЧЕВ Германия социал-демократик партиясининг раҳбар арбоблари К. Шмид ва Ф. Эрлерни қабул қилди

16 мартда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Германия Федератив Республикаси бундестагининг вице-президенти, социал-демократик партиянинг бундестагдаги фракцияси раисининг ўринбосари Карло Шмидни ҳамда бундестаг депутати, социал-демократик партия фракцияси раисининг ўринбосари Фриц Эрлерни уларнинг илтимосига мувофиқ қабул қилди.

К. Шмид ва Ф. Эрлер Германия социал-демократик партияси Правлениесининг топшириғига мувофиқ Н. С. Хрушчевга халқаро ишчилар ҳаракати тарихига доир ҳужжатни — Жан Жореснинг 1910 йил 11 сентябрда Франкфурт-Майнда ўтказилган ишчилар митингида уруш хавфи пайдо бўлганлиги тўғрисида ўзи сўзлаган нутқи муносабати билан ёзган хатининг асл нусхасини совға қилиб топширдилар.

Дўстона вазиятда ўтган суҳбатда СССР Олий Совети депутатлари парламент группаси раисининг ўринбосари А. П. Волков ва СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. А. Зорин ҳозир бўлдилар.

Индонезия бош министри Р. Х. Жуанданинг Совет Иттифоқига қиладиган сафарига доир

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Индонезия Республикаси ўртасида дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга ёрдам бериш тилагида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Индонезия Республикаси Бош министри Р. Х. Жуандани 1959 йилда ўзига қулай бўлган вақтда Совет Иттифоқига келишга Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати номидан таклиф этди.

Индонезия Республикаси Бош министри бу таклиф учун Индонезия Республикасининг ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан катта ташаккур изҳор қилди ҳамда бу таклифни қабул қилганлигини билдирди. Бош министр шу йилнинг ёзида сафарга чиқади.

Ҳар иккала томон Индонезия Республикаси Бош министрининг Совет Иттифоқига сафар қилиши ва унинг СССР давлат арбоблари билан учрашувлари иккала мамлакат ўртасида дўстликни янада мустаҳкамлашга ёрдам беради, шунингдек бутун дунёда тинчликни мустаҳкамлашга ишга ёрдам беради, деб ишонч билдирадилар.

ИРОҚ-СОВЕТ АХБОРОТИ

Ироқ Республикасининг ҳукумат делегацияси 1959 йил 25 февралдан 17 мартга қадар Совет Иттифоқида бўлди. Делегация СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев билан ва СССР Министрлар Совети Раисининг Биринчи ўринбосари А. И. Микоян билан суҳбатлар қилди.

Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан Ироқ республикаси ўртасидаги дўстона ҳамкорликни суверенитетни ўзаро ҳурматлаш, тенг ҳуқуқлилик ва бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик асосида ривожлантириш истагида эканликларини билдирдилар. Томонлар бу ҳамкорлик Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашга ёрдам беради, деб ишонч билдирдилар. Ироқ ҳукумат делегацияси шуни қайд қилдики, Ироқ республикаси бошқа мамлакатлар билан ўз муносабатларида Бандунгнинг тинчликсевар принципларига амал қилиб келмоқда ва ижобий бетарафлик, араблар бирдамлиги сиёсатини ҳамда мустамлакачиликка қарши кураш сиёсатини ўтказиб, империализмга қарши бўлган тинчликсевар бошқа мамлакатлар билан астойдил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳар иккала томон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставига мувофиқ, халқлар ўртасида ҳамкорлик ва тинчлик ишини сақлаб қолишга бел боғлаганликларини билдирдилар. Ҳар иккала томон манфаатларининг умумийлиги мустамлакачиликка қарши, миллий мустақиллик ва ҳамма мамлакатларнинг суверенитети айниқса Осиё ва Африка мамлакатларининг суверенитети учун курашда ҳам ўз ифодасини топмоқда.

Совет давлати раҳбарларининг Ироқ республикаси ҳукумат делегациясе аъзолари билан учрашувлари самимийлик ва дўстона ҳамжиҳатлик вазиятида утди.

Ироқ ҳукумат делегацияси Совет Иттифоқида бўлган вақтида Совет Иттифоқи ва Ироқ республикаси ўртасида саноат, транспорт, қишлоқ хўжалиги, ирригация, соғлиқни сақлаш ва Ироқ мутахассисларини тайёрлаш соҳаларида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги масалалари устида музокаралар олиб борди.

Музокаралари совет томонидан: СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин (делегация бошлиғи), СССР Министри И. Г. Кабанов, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раиси С. А. Скачков, Ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари С. А. Борисов, СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов, СССР Министрлар Совети ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари П. А. Малитин, СССР Министрлар Совети кимё давлат комитети раисининг ўринбосари М. И. Иванов. СССР Қишлоқ хўжалиги министрининг ўринбосари П. С. Кучумов, СССР Госплани аъзоси Я. В. Ющин, РСФСР Госплани раисининг ўринбосари А. Н. Демьянович, СССРнинг Ироқ республикасидаги элчиси Г. Т. Зайцевлардан иборат делегацияси олиб борди.

Музокараларда Ироқ томонидан: экономика министри доктор Иброҳим Қубба, тараққиёт министри доктор Талъат Аш-Шайбоний. Соғлиқни сақлаш министри генерал-майор доктор Муҳаммад Аш-Шаввоф (делегация раҳбарлари), Экономика министрлиги нефть маҳсулотларини қайта ишлаш давлат заводларининг бош директори Абдул Фаттоҳ Иброҳим, Экономика министрлигининг саноат бош директори Жамил Табит, Темир йўллар бош инспектори Жамил Тома, тараққиёт кенгаши бош секретари доктор Муҳаммад Салмон Ҳасан, радио эшиттириш эксперти Муҳаммад Али Бағдодий, соғлиқни сақлаш министрлиги ҳукумат марказий госпиталининг директори доктор Анвар Авқатий, Тараққиёт министрлигидаги курортлар департаментининг бош директори Рашид Мутлақ, Тараққиёт министрлиги учинчи техника бўлими бошлиғининг ўринбосари Али Ҳоди Ал-Жобир, Тараққиёт министрлиги электроэнергетика бўлимининг директори Нажим Қоча Касаб, Тараққиёт министрлиги биринчи техника бўлимида ирригация бош инженерининг ўринбосари Муваффақ Ал-Бадрийлардан иборат делегация қатнашди.

Муваффақият билан тугаган музокаралар натижасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди. Битимда шу нарса кўзда тутиладики, Совет ҳукумати Ироқ миллий экономикасини саноат, қишлоқ хўжалиги ва транспорт соҳаларида ривожлантириш планларини амалга оширишда Ироқ республикаси ҳукумати билан ҳамкорлик қилади. Совет Иттифоқи Ироқ республикасига оғир машинасозлик, кимё, озиқ-овқат саноатлари ва енгил саноатнинг бир қанча корхоналарини қуришда техника ёрдами кўрсатади.

Совет мутахассислари ирригация шохобчаларини кенгайтириш, геология-қидириш ишларини ўтказиш ва базси йўлларнинг лойиҳасини тузиб бериш соҳасида бир қанча тадқиқот ишларини ўтказадилар. Совет Иттифоқи мутахассислар тайёрлаб беришда Ироқ республикасига ёрдам кўрсатади.

Совет ҳукумати Ироқ республикасининг иқтисодий ривожланишига кўмаклашиш ниятида ва Ироқ томонининг истакларини бажо келтириш мақсадида Ироқ республикасига тузилган битимни амалга оширмоқ учун йилига 2,5 процентлик 550 миллион сўмлик кредит берди.

Ироқ республикаси ҳукумати кредитнинг мазкур объектларнинг ҳар қайсиси учун фойдаланилган қисмини тегишли шартномаларда кўзда тутилган комплекс ускуналарни СССРдан етказиб бериш тамомланганидан кейин орадан бир йил ўтганидан бошлаб, ҳар йил шу кредитнинг ўн иккидан бир қисми миқдорида узиб боради. Битимда яна шу нарса кўрсатиладики, Ироқ ҳукуматининг илтимосига биноан Совет Иттифоқи Ироққа бир қанча саноат ва қишлоқ хўжалик объектларини қуришда, шунингдек турли тадқиқот ишларини ўтказишда техника ёрдами кўрсатади, бу ишларнинг Совет томонидан қилинган ҳаражатлари амалдаги Ироқ-Совет савдо битими асосида тўланади.

Битимни: Совет ҳукуматининг ваколатига биноан — СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин ва СССР Министрлар Совети иқтисодий алоқалар давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов; Ироқ республикаси ҳукуматининг ваколатига биноан — Экономика министри доктор Иброҳим Қубба ва Тараққиёт министри доктор Талъат Аш-Шайбоний имзоладилар.

Ироқ томони шуни айтдики, Ироқ ҳукумати бу битимнинг имзоланишини Совет Иттифоқи билан Ироқ ҳукумати ўртасидаги дўстона ҳамкорликни ривожлантиришда қўйилган янги қадам деб билади ва бу ҳамкорлик Ироқнинг бир қанча иқтисодий проблемаларини ҳал қилишга, мустамлакачилик давридан қолган оғир меросни тезроқ тугатишга, мамлакатни иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, ироқ халқи турмушининг моддий даражасини ва маданий савиясини юксалтиришга ёрдам берали деб ҳисоблайди.

Совет томони шуни таъкидладики, Совет Иттифоқи билан Ироқ республикаси ўртасидаги иқтисодий ва техника ҳамкорлиги Ироқ республикасининг суверенитетига ва миллий иззат-нафсига даҳл қиладиган ҳеч қандай сиёсий ва бошқа шу каби шартлар қўйилмасдан амалга оширилади, Совет томони бу ҳамкорликда тенглик, ўзаро иқтисодий манфаатдорлик ва ички ишларга аралашмаслик принципларига амал қилади.

Айни вақтда музокаралар вақтида ҳар иккала томон фақат иқтисодий ва техника ёрдами кўрсатиш соҳасидагина эмас, шу билан бирга одатдаги савдо муносабатларини кенгайтириш асосида ҳам дўстона алоқаларни ривожлантиришни истаганликларини билдирдилар.

Кремлда Ироқ Республикаси ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати 16 мартда Катта Кремль саройида Ироқ Республикаси ҳукумат делегацияси шарафига қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида Ироқ Республикаси ҳукумат делегациясининг аъзолари — экономика министри доктор Иброҳим Қубба, қурилиш ва реконструкциялаш министри доктор Талъат Аш-шайбоний, соғлиқни сақлаш министри генерал-майор доктор Муҳаммад Ашшаввоф ва бошқалар ҳозир бўлдилар.

Қабул маросимида совет томонидан А. Б. Аристов, А. И. Кириченко, Ф. Р. Козлов, А. И. Микоян, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, П. Н. Поспелов, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский ва бошқа расмий кишилар, шунингдек фан ва маданият арбоблари ҳозир бўлдилар.

Меҳмонлар орасида Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари Александру Бирлэдяну бошчилигидаги ҳукумат делегацияси аъзолари, жамоат ишлари министри ўринбосари Муҳаммад Азим, Афғонистон армияси бош штаби бошлиғининг ўринбосари генерал Хон Муҳаммад ва Афғонистон ташқи ишлар министрлиги экономика бўлимининг мудири Залмай Маҳмуд Ғозилардан иборат составдаги Афғонистон ҳукумат делегацияси бор эди.

Қабул маросимида СССРдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари, элчихоналарнинг элчилари, совет ва чет эл журналистлари ҳам бор эди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган қабул маросимида СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев ва Ироқ Республикаси экономика министри доктор Иброҳим Қубба нутқ сўзладилар. (ТАСС).

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди

16 мартда Катта Кремль саройида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Ироқ Республикаси ўртасида иқтисодий ва техника ҳамкорлиги тўғрисида битим имзоланди.

Битимни СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. И. Кузьмин, СССР Министрлар Советининг Ташқи иқтисодий алоқалар Давлат комитети раисининг ўринбосари И. В. Архипов ва Ироқ Республикаси Экономика министри доктор Иброҳим Қубба, қурилиш ва реконструкциялаш министри доктор Талъат Аш-шайбоний имзоладилар.

Битимни имзолаш вақтида Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг раҳбарлари ҳамда бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар. (ТАСС).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Никита Сергеевич ХРУШЧЕВГА

МОСКВА

Қадрдон ўртоқ Хрушчев,

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ҳукумати делегацияси мамлакатимизга келган тақдирда, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитети, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Совети ва мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари гоят хурсанд бўладилар.

Биз сизнинг партия-ҳукумат делегациянгиз май-июнь ойларида ёки шу йилнинг сизлар учун қулай бўлган бошқа вақтида Болгария Халқ Республикасига келишингизни таклиф этамиз.

Биз шу нарсага чуқур аминмизки, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи партия-ҳукумат делегациясининг мамлакатимизга келиши ҳаётбахш болгар-совет дўстлигини мустаҳкамлаш ва партияларимиз ҳамда халқларимиз ўртасида қардошларча социалистик муносабатларни янада ривожлантириш ишига янги ҳисса қўшади.

Ўртоқ Хрушчев, бизнинг энг самимий ўртоқларча саломимизни қабул қилгайсиз.

Тодор ЖИВКОВ
Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари,
Антон ЮГОВ
Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси.

София, 1959 йил 21 январь.

Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Тодор ЖИВКОВГА, Болгария Халқ Республикаси Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Антон ЮГОВГА

СОФИЯ

Қадрли ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Совет партия-ҳукумат делегациясини Болгарияга таклиф қилганлигингиз учун сизларга самимий ташаккур изҳор қиладилар ва бу таклифни зўр мамнуният билан қабул қиладилар.

Биз сафар вақти ва делегациямизнинг состави тўғрисида сизларга кейинчалик хабар қиламиз.

Коммунистик саломи билан

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари,
ССР Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси
Н. ХРУШЧЕВ.

Москва, 1959 йил 20 февраль.

Совет-Австралия муносабатларига доир

Австралия ва Совет Иттифоқи ҳукуматларининг ўзаро манфаатдорликларини билдиришлари натижасида 1959 йил март ойида Бродбич шаҳрида (Квинсленд, Австралия) Австралия ташқи ишлар министри Р. Г. Кэси билан СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. П. Фирюбин ўртасида иккала мамлакатнинг дипломатик ваколатхоналарини Москвада ва Канберрада тиклаш тўғрисида музокаралар бўлиб ўтди. Шу музокаралар натижасида иккала ҳукумат бу тадбир амалга оширилиши лозим, деб бир битимга келдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Маъмурий-бошқарув аппаратини қисқартириш, ер ва сув ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш мақсадида меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг тақдимига мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари билан Тошкент областининг маъмурий-территориал бўлинишига баъзи ўзгартишлар киритилди:

Октябрь райони тугатилди. Бу районнинг территорияси маъмурий жиҳатдан Чиноз ва Янгийўл район ижроия комитетлари ихтиёрига топширилди;

Оҳангарон райони тугатилди. Бу районнинг территорияси маъмурий жиҳатдан Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳар ижроия комитетлари ихтиёрига топширилди.

«Алмаликсвинецстрой» трести ва Олмалиқдаги ихтисослаштирилган ташкилотларнинг коллективлари КПСС XXI съезди шарафига мусобақани қизитиб юбориш натижасида 1958 йил қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан олдин бажардилар. Қурилиш ишлари ҳажми 20 процент оширилди, ҳар бир ишчининг иш унумдорлиги 19 процент ошди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани 108 процент қилиб адо этилди. Қурилиш қимматини камайтириш юзасидан берилган топшириқ ҳам ортиғи билан бажарилди.

Етти йилликда Ўзбекистон қурувчилари олдида улуғвор вазифалар турибди. Трест ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг қурувчилари КПСС XXI съезди тарихий қарорларидан гоят руҳланиб, етти йилликнинг биринчи йили планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилдилар ва ўз имкониятлари ҳамда мавжуд резервларни ҳисобга олиб қуйидаги қоидаларни социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

1959 йил учун белгиланган қурилиш-монтаж ишлари планини 25 декабргача, уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини эса 5 декабргача бажариш. 21 минг 600 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш, шу жумладан Улуғ Октябрнинг 42 йиллигигача ўз капитал маблағлари ҳисобидан 3133 квадрат метр уй-жойни фойдаланишга топшириш. Шунингдек, қўшимча фойдалар ва қурилиш бошқармалари бошлиқларининг фондлари ҳисобидан пландагидан ташқари 1000 квадрат метр уй-жой қурилади.

Ишлаб чиқариш корхоналари комбинатида ялпи маҳсулот тайёрлаш йиллик топшириғини муддатидан олдин — 1 декабргача бажариш ва йил охиригача пландан ташқари 5 миллион 300 минг сўмлик маҳсулот бериш.

Йиғма темир-бетонларни кенг жорий этиш бундан буён ҳам қурилишда техникани тараққий эттиришнинг асосий шарти бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам биз шундай мажбуриятларни олдик: эффектив йиғма конструкциялар — симлик бетон балкалар, сегментлик фермлар ва бошқа конструкцияларни кенг жорий қилиш, шунингдек арматураларни электротермик усулда таранглашни кенг қўлланиш.

1959 йилда 7500 кубометр таранг тортилган темир-бетон арматурали конструкциялар тайёрлаймиз ва йиғма конструкцияларни ўтган йилдагига қараганда 10 процент кўп қўллаймиз.

Қурилиш ишларини индустриалштириш учун тикланадиган бино ва иншоотларнинг максимал даражада йиғма бўлиши талаб этилади. Бунинг учун биз йирик панеллардан ва йирик блоклардан фойдаланишга кенг йўл очамиз. Шу йилнинг иккинчи кварталидан бошлабоқ янги қуриладиган уй-жойларнинг камида 40 процентини йирик панеллардан, йиғма фундаментлардан ва бириктирилган томлардан тиклай бошлаймиз. 1960 йилдан эса асосан йирик панел ва блоклардангина уй-жой қуришга ўтамиз.

Қурилишни индустриалштириш юзасидан катта вазифалар турганлиги муносабати билан цемент ишлаб чиқариш корхоналари қурилишини имкони борича тезлатиш зарур. Коллективимизга Ўзбекистонда энг йирик цемент ишлаб чиқариш корхоналаридан бири бўладиган Оҳангарон цемент заводини қуриш вазифаси топширилган. Биз заводнинг биринчи технологик линиясини белгиланганидан 6 ой олдин ишга тушириш мажбуриятини оламиз.

Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлаш ва янги эффектив материал ҳамда конструкцияларни тезроқ жорий этишга катта аҳамият бериб, **биз трестнинг ўз ишлаб чиқариш базаларини қуриш бўйича йиллик планни 1 октябргача бажаришга қарор қилдик.** Ғовак бетон заводини сентябрь ойида Эйвалек карьерининг иккинчи навбатини август ойида фойдаланишга топширамиз, саноат базаси қозонхонасини кенгайтиришни июлда, йилига 100 минг кубометр бетон ишлаб чиқариш қувватига эга бўладиган завод қурилишини июлда, марказий қоришма тайёрлаш узели қурилишини апрелда тугаллаймиз.

Биз ўз олдимизга оммавий ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш даражасини анча ошириш ва механизмларни ишлатиш учун белгиланган 1959 йилги директив нормаларни камида 105 процент қилиб бажарилишини таъминлаш вазифасини қўйдик.

Қурилишни кўпроқ индустриалштириш, технология қоидаларига риоя қилиш, илғор иш методларини кенг жорий этиш йўли билан **бу йил қурилишда ишлаган ҳар бир ходимнинг 50 минг сўмлик иш бажаришига эришамиз.** Камида 320 та рационализаторлик таклифини жорий қиламиз ва шу йўл билан 2 миллион 360 минг сўмлик давлат маблағини иқтисод қиламиз.

Қурилиш қимматини арзонлаштириш топширигининг сўзсиз бажарилишини таъминлайміз ва қурилиш қимматини пландагидан камайтириш йўли билан камида 1 миллион сўмлик фойда берамиз.

Ёшларнинг коммунистик меҳнат бригадалари тузиш тўғрисидаги ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз, уларнинг унумли ишлашлари, умумий ва техника билимларини оширишлари учун ҳамма имкониятларни яратиб берамиз.

Юқоридаги мажбуриятларни қабул қилиш билан бирга биз Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига қарашли 8-трестни мусобақага чақирамиз ва республикадаги барча қурувчиларни етти йилликнинг биринчи йили топширигини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилишга даъват этамиз.

Бу мажбуриятлар трест ва ихтисослаштирилган ташкилотларнинг қурилиш бошқармалари ва хўжаликлари ишчилари, инженер-техник ходимлари ҳамда хизматчиларининг йиғилишларида муҳокама қилиб қабул этилган.

Йиллик планни муддатидан олдин бажарайлик!

„Алмаликсвинецстрой“ трести ва Олмалиқдаги ихтисослаштирилган ташкилотлар ишчилари, инженерлари, техниклари ва хизматчиларининг Ўзбекистондаги барча қурувчиларга

МУРОЖААТИ

Етти йилликни олти йилда бажарамиз!

Заводнинг умумий кўриниши

Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги даврига — коммунизм қурилишини кенг авж олдириб юбориш даврига қадам қўйди. Буни ҳамма ерда, ҳар қадамда яққол кўриш мумкин.

КПСС нинг навбатдан ташқари XXI съезди белгилаб берган коммунизм қурилишининг улуғвор программасини амалга ошириш учун бошланган кураш чинанамига умумхалқ ҳаракатига айланиб кетди. Ўзбекистон кимё саноати машинасозлиги заводи коллективи ҳам кўп қатори ана шу олижаноб мақсад йўлидаги курашга қўшилди.

Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик план топшириқларини олти йилда бажаришга қарор қилдилар.

Қуйида завод коллективининг ана шу мажбуриятни бажариш йўлида амалга ошираётган тадбирлари ҳақида материаллар босаётирмиз.

Резервларимиз битмас-туганмасдир

Заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари бутун совет халқи билан бир қаторда партиямиз XXI съездининг тарихий қарорларини зўр қизиқиш билан атрофлича ва чуқур ўрганмоқдалар. Бу тарихий ҳужжат коллективимизни янгидан-янги ғалабаларга руҳлантирмоқда.

Етти йилликда халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари билан бир қаторда кимё саноатини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилади. Бу эса ўз навбатида кимё саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи машинасозлик заводлари зиммасига ғоят катта ва масъулиятли вазифаларни юклайди.

Коллективимиз ўз зиммасидаги масъулиятни бутун тўлалиги билан ҳис қилиб, мамлакатимизда кимё саноатини ривожлантиришни тағин ҳам жадаллаштириш ишига ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида мавжуд резерв ва имкониятларини ҳисоблаб чиқди. Натижада шу нарса маълум бўлдики, агар биз резервларимиздан янада унумлироқ фойдалансак, етти йиллик топшириқларини бемалол муддатидан илгари бажара олишимиз мумкин экан. Шунга асосан завод **ишчилари ва инженер-техник ходимлари ўз зиммасига кимё асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш етти йиллик топшириғини олти йилда бажариш юзасидан социалистик мажбурият олди.**

Хўш, биз бу мажбуриятни нималарга ва қандай резервларга асосланиб қабул қилдик, уни бажариш учун бизда имкониятлар борми? Аввало биз аҳил, иноқ ва меҳнатсевар коллективимизга, унинг ижодий ташаббусига, ғайрати ва матонатига ишондик. Ахир кўпдан қўён қочиб қутилмайди, дейдиларку. Бирлашган ҳар вақт, ҳамма жойда ўзиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлади.

Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, цех ва участкаларга ўрнатилган асбоб-ускуналардан ҳали тўла фойдаланаётганимиз йўқ. Ускуналардан фойдаланишни яхшилаш йўли билан маҳсулот ишлаб чиқаришни энг камида 12-15 процент кўпайтиришни мўлжалламоқдамиз.

КПСС Марказий Комитетининг кимё саноатини тағин ҳам ривожлантириш юзасидан қабул қилган қарорига мувофиқ корхонамизни реконструкция қилиш учун 40 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозир бу соҳадаги ишлар кенг қизитиб юборилди. Шу йилнинг охиридаёқ қурилаётган учта янги йигув пролети фойдаланишга топширилади. Натижада қозон-аппарат цехларининг ишлаб чиқариш майдонлари икки баравар кенгаяди.

Келгусида ишлаб чиқаришга янги техникани жорий этиш, технология процессларини тағин ҳам такомиллаштиришга жиддий эътибор берилади. Жумладан, участкалардаги барча эскирган асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилади. **1965 йилга бориб, кимё саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни 1958 йилдагига нисбатан икки баравардан зиёдроқ кўпайтиришни кўзда тутмоқдамиз.** Ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялашмай ва автоматлаштирмасдан туриб, бу вазифани муваффақият билан бажариб бўлмайди. Шу сабабли бу масала коллективимизнинг доимо диққат-эътиборида бўлади. Биз қуюв ва темирчилик цехларидаги айрим процессларни, даставвал оғир ва юпқа меҳнат талаб қилувчи ишларни, шунингдек юк ортиш ва тушириш ишларини, пайванд қилиш процессларини комплекс механизациялашни мақсад қилиб қўйдик.

Юқоридаги тадбирларни амалга ошириш йўли билан коллективимиз етти йиллиннинг охирги йили — 1965 йил учун белгиланган меҳнат унумдорлиги даражасига 1961 йилдаёқ эришишга қарор қилди.

«Ўзбекхиммаш» заводи стандарт бўлмаган асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчи корхоналардан ҳисобланади. Бу эса иш процессларини комплекс автоматлаштиришга кенг йўл бермайди. Лекин шунга қарамай, биз кимё асбоб-ускуналари тайёрлашни поток усулига кўчириш тадбирларини кўрмоқдамиз. Шу мақсадда типовой аппаратлар чертежларининг бир қанча серийлари ишлаб чиқилмоқда. Мўлжаллаган тадбирларимизни изчиллик билан амалга ошириш корхонада маҳсулот ишлаб чиқаришни йил сайин кўпайтира бориш имконини беради. Ана шуларга асосан 1965 йил учун 140 миллион сўмлик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш белгиланган бўлса, биз 1962 йилдаёқ 142 миллион сўмлик кимё асбоб-ускуналари тайёрлашни мўлжалламоқдамиз. План **бўйича етти йил мобайнида биз 754 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришимиз зарур. Лекин коллективимиз бу топшириқни 972 миллион сўмга етказиб, яъни 218 миллион сўм ортиғи билан бажаришга аҳд қилди.**

Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводи Иттифоқимиздаги барча кимё корхоналарига, шунингдек жуда кўп чет эл давлатларига турли хил аппаратлар, асбоб-ускуналар тайёрлайди. Шу билан бирга коллективимиз дори-дармон тайёрловчи корхоналар ҳамда қанд саноати, енгил саноат заказларини ҳам бажараётир. Бу эса ўз навбатида коллективимиз зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бир қаторда, компрессор ва аппаратларнинг, шунингдек бошқа хил ускуналарнинг сифатини тағин ҳам яхшилаш, уларнинг вазнини қамайтириб, техника-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаш соҳасида ҳам катта вазифалар турибди.

Бизда бир яхши одат бор: мажбурият олдингми — уни бажар! Ўзбекистон кимё машинасозлиги заводининг кўп сонли коллективи ана шу шиор остида зўр ғайрат ва ижодий ташаббус кўрсатиб ишламоқда. Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари инженер-техник ходимлар билан ҳамкорликда завод кўрсаткичларини тағин ҳам яхшилаш имконини берувчи янгидан-янги резервларни қидириб топмоқдалар ва ишга солмоқдалар.

Н. ПЛАТОНОВ,
завод директори.

Завод коллективининг социалистик мажбурияти

Биз, «Ўзбекхиммаш» заводининг ишчилари, инженер-техник ходимлари, ўз ички имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажариш мақсадида қуйидаги мажбуриятни қабул қилдик:

1. Кимё саноати учун машина ва аппаратлар ишлаб чиқариш етти йиллик планини олти йилда бажариш ва пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг 1965 йилга мўлжалланган даражасига 1962 йилдаёқ эришиш.

3. Меҳнат унумдорлигини оширишнинг 1965 йилга мўлжалланган даражасига 1961 йилдаёқ эришиш.

4. Рационализаторлик таклифларини жорий қилиш ҳисобига етти йил давомида 6 миллион сўмлик маблағ тежаш.

5. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш юзасидан қатор тадбирларни амалга ошириш.

(Мажбурият 1959 йил март ойида цех коллективлари йиғилишида муҳокама этиб, қабул қилинди).

Мен етти йиллик план топшириқларини олти йилда бажарини учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшиш мақсадида, қуллик топшириқнин 200 процентга етказиб бажармоқдаман. Бундан кейин ҳам иш суръатини пасайтирмайман.

Х. ТОШМАТОВ,
қозон цехининг ишчиси.

Мен ва менинг ҳамкасбларим заводимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг аъло сифатли бўлишига катта эътибор бермоқдамиз, чунки мақсадимиз ҳам арзон, ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришдир.

Ф. АБДУРАҲМОНОВА,
ширпотреб цехининг пардозловчиси.

Етти йиллик планни муддатидан олдин бажаришда рационализаторлик таклифларини жорий қилиш катта аҳамиятга эга. Менинг заготовкаларни аниқ қилиб тайёрлаш ҳақидаги дастлабки таклифим 120 тонна металлни тежаб қолиш имконини берди. Мен бундан буён ҳам меҳнат унумдорлигини ошириш, иш циклини қисқартириш, кўплаб хомашё тежаб қолишни таъминлайдиган таклифлар киритишга ҳаракат қиламан.

М. КУЦЕВАЛОВ,
темирчилик бригадасининг бошлиғи.

Ижодий ташаббускорликни кучайтирайлик

Мамлакатимиз кимё саноатига кўплаб янги асбоб-ускуналар етказиб бериш учун курашаётган коллективимиз ўтган йилни катта муваффақиятлар билан якунлаб, пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Ҳозирги пайтда олдимизда катта вазифалар турибди.

Корхонамиз ишчилари, инженер-техник ходимлари етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин — 6 йилда бажариш учун кураш олиб бораётган экан, ўз-ўзидан маълумки бу кураш касаба союз ташкилоти зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Шунинг учун ҳам бизнинг бутун эътиборимиз социалистик мусобақани янада кучайтириш, рационализаторлар сафини кенгайтириш, коммунистик меҳнат бригадалари деган шарафли номни олиш учун бошланган ҳаракатни кенг авж олдиришга қаратилиши лозим.

Ҳозирги кунда 8 бригада коллективи коммунистик меҳнат бригадалари номини олиш учун курашмоқда. Смена топшириқларини 180 — 200 процентга етказиб адо этаётган Т. Туманов бошлиқ бригада олдинда бормоқда.

Касаба союз ташкилоти коммунистик меҳнат зарбдорлари деган номни олиш учун бошланган ўзаро мусобақани кун сайин кенг авж олдириб, бу ҳаракат ташаббускорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

Коммунистик меҳнат зарбдорлари номини олиш учун курашаётган электр пайвандчилари ака-ука Радзиволовскийлар, слесарь Зайцев ва бошқалар айниқса яхши натижаларга эришмоқдалар.

Шахсий, шунингдек коллектив бўлиб ишлаб чиқилган энг яхши рационализаторлик таклифлари учун конкурс эълон қилинди. Техниклардан Шупевич ва Руденко, инженерлардан Бичков ва Ильницкий ўртоқлар конкурсга ҳозирданоқ қимматли таклифлар тақдим этдилар. Вазифа — ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ижодий ташаббускорлигига кенг йўл очиб беришдан иборат.

О. ЛЕВАК,
завод касаба союз комитети раисининг ўринбосари.

Янада унумлироқ ишлаймиз

Мастер ишчиларнинг бевосита раҳбаридир. Шунинг учун ҳам у ўз қўл остидаги кишиларнинг қобилиятини, қизиқишини, характерини, оилавий ҳаётини чуқур билиши лозим. Мен ўз иш тажрибамда ана шуларга қаттиқ риоя қиламан. Ҳар бир ишчини ўзига яраша иш билан таъминлайман. Бундан ташқари цехга янги келган, иш тажрибасига эга бўлмаган кишиларни малакали, кўп йиллардан бери станок олдида ишлаб келаётган ишчилар ёнига қўяман. Бу, янги ишчининг тез кунда ўз касбининг устаси бўлиб етишишига самарали таъсир кўрсатади.

Табиийки, ишчиларнинг смена давомида узлуксиз меҳнат қилаолиши учун хомашё ўз вақтида етказиб турилиши керак. Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Хомашё ўз вақтида етказиб берилмагандан кейин станоклар тўхтайди, бинобарин меҳнат унумдорлиги ҳам пасайиб кетади. Бизни ишлаб чиқаришдан четга тортадиган ана шундай камчиликларга барҳам бериш лозим.

Шу йилнинг ўтган икки ойида биз ўз зиммамизга олган мажбуриятларни анча ошириб бажардик. Бунинг сабаби шу даврда ишлаб чиқариш циклининг узилишига олиб келувчи хомашё танқислиги каби холлар рўй бермади.

Етти йиллик план топшириқларини олти йилда бажариш учун бошланган курашга муносиб ҳисса қўшаётган Т. Черданцева, А. Суприн, К. Асхадуллин, М. Габбасов каби ўнлаб фармаловчилар, слесарлар, фрезерчилар смена топшириқларини ошириб бажариб, бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар. Кўп қатори биз ҳам ишлаб чиқариш процессларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан етти йиллик план топшириқларини муддатидан олдин бажаришга муносиб ҳисса қўшамиз.

М. САМЕТДИНОВ,
2-механика цехининг мастери.

ПЕШҚАДАМЛАР

Цехда ўрта бўйли, бақувват, кўк кўзойнак тутиб олган қирқ ёшлар чамасидаги киши печнинг махсус тешикчасидан унинг ичида вақир-вуқур қайнаб турган пўлат эритмасини кўздан кечирарди.

— Ўзининг ҳалол меҳнати билан коллектив орасида обрў қозонган моҳир пўлат эритувчи Ҳатам Галаутдинов ана шу киши бўладилар,— деди завод бош технологи Борис Михайлович Александров.

Шу пайт пўлат тобига етди шекилли, печь ёнидаги кишилар чақкон ҳаракат қила бошладилар. Орадан сал вақт ўтмай, ерга қатор терилб қўйилган қолиплар пўлат эритмаси билан тўлдирилди, ишчилар ҳам ўз меҳнатларининг натижасидан қувониб енгил нафас ола бошладилар.

— Ана энди гаплашсак бўлади,— деди Ҳатам ака юз-кўзларидан маржондек оқиб тушаётган терларини артар экан.

— Бизнинг ишимиз шунақа. Кексаларнинг «темирни қизиғида бос», деган ҳикматли сўзлари биз пўлат эритувчиларга бевосита тааллуқли. Чунки пўлатни сал тобидан ўтказиб юбордингми, тамом, ундан тайёрланган маҳсулот, албатта, сифатсиз бўлади.

Биз Ҳатам акадан ўзи ҳақида гапириб беришни илтимос қилдик.

— Нима ҳам дейишим мумкин, менинг тўғримда мана бу киши гапириб берсинлар,— деди моҳир пўлат эритувчи камтарлик билан технологга ишора қилиб.

Борис Михайлович Ҳатам аканинг 1946 йилдан бери пўлат эритувчи бўлиб ишлаши, ишлаб чиқариш топшириқларини муттасил равишда ошириб бажариб келаётганлиги, етти йиллик планни олти йилда бажариш учун бошланган курашнинг ташаббускорларидан бири эканлиги ҳақида батафсил гапириб берди-да, бизни қозон цехига таклиф қилди.

Қозон цехида бутунлай бошқача манзарага дуч келдик. Бир группа ишчилар қозонларни пайванд қилаётган бўлсалар, иккинчилари пульверизатор ёрдамида ана шу қозонларни бўямоқда.

— Биз яқин 2 — 3 йил ичида қозонларни пайванд қилиш, бўяш ва қуритиш ишларини автоматлаштиришни мўлжалламоқдамиз. Ана шу тадбирнинг жорий қилиниши кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни кескин камайтириш имконини беради,— деди цех бошлиғи партия ташкилотининг секретари, мастер И. Иванов.

— Кейинги йилларда коллектив орасидан мақташга арзигудек кишилар — ишлаб чиқариш илғорлари, рационализатор ва новаторлар етишиб чиқди. Ҳозирги кунда бизнинг эътиборимиз ана шундай кишилар сафини тобора кенгайтириш, уларнинг ижодий ташаббускорлигини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга қаратилган,— деб сўзида давом этди мастер.

Механика цехининг рандаловчиси А. Дедюрин, темирчилик-пресс цехининг темирчиси, «Ўз касбининг устаси» деган фахрли номни олишга сазовор бўлган М. Куцевалов, механика цехининг токари, шаҳар Советининг депутати А. Снегерев каби илғор, ташаббускор, куч-қувватга тўлиб-тошган ўнлаб ишчилар шулар жумласидандир.

Ўз касбининг ипидан-игнасигача пухта эгаллаб олган, сўзи билан иши бир бўлган, улуғ мақсад йўлида бир ёқадан бош чиқариб фидокорона меҳнат қилаётган, аҳил ва иноқ коллективнинг пешқадам аъзолари билан суҳбатлашганимиздан сўнг биз етти йиллик план топшириқларини олти йилда, ҳатто ундан ҳам қисқа муддат ичида бажарилишига қатъий ишонч ҳосил қилдик.

Ў. ГОЗИЕВ.

Суратда: (чапдан ўнгга): қозончи Т. Бўранбоев, цех партия ташкилотининг секретари, мастер И. Иванов, қозончилардан Г. Ихлос, П. Кирьякопулов ва Д. Оқжигитов ўртоқлар бригада бошлиғи ўртоқ С. Абқодировнинг (чапдан иккинчи) меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган навбатдаги таклифини муҳокама қилмоқдалар.

В. САЛОВ
фотолари.

БИЗНИНГ АҲДИМИЗ

Корхонамиз ишлаб чиқараётган машина ва аппаратлар ўзининг чидамлилиги, арзонлиги ва енгиллиги билан фақат Иттифоқимиздагина эмас, шунинг билан бирга чет эл мамлакатларида ҳам катта шуҳрат қозонмоқда.

Коллективимиз ўтган икки-уч йил мобайнида ўз кучи билан 20 дан ортиқ янги типдаги турбомашиналар яратди. Ана шу машиналарни кимё саноатига жорий қилиш натижасида 16 миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Бизнинг цехимиз заводнинг асосий участкаларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳам цех коллективи ўз ички имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, етти йиллик план топшириқларини олти йилда, ҳатто ундан ҳам қисқа муддат ичида бажаришга қарор қилди. Биз бу йил 55 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришимиз керак. 1960 йилда эса бу кўрсаткич қариб икки баравар кўпайтирилади. Шу йил охирига бориб 3 та янги пролет фойдаланишга топширилади. Бу эса ишлаб чиқариш майдонини 2 баравар кенгайтириш, маҳсулот ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш имконини беради.

Ҳозирги пайтда олдимизда турган асосий вазифалардан бири кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни тўла автоматлаштиришдан иборат.

Биз ҳозир бригада методи асосида ишлаяпмиз. Лекин бу метод ишчиларнинг маълум участкада ишлаб, ўз касбини пухта эгаллашига, ишлаб чиқариш малакасини оширишга халақит бермоқда. Шунинг учун ҳам коллективимиз яқин кунларда ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш методига ўтишга қарор қилди. Бу методнинг жорий қилиниши меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот таннархини тағин ҳам камайтириш, иш соатларидан рационал фойдаланишга кенг йўл очади.

Коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини амалга ошириш учун бошланган умумхалқ ҳаракатига қўшилган Абқодиров, Бордоченко, Имомов, Икромов каби ва бошқа ўнлаб ишчилар ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муддатидан илгари бажариш учун астойдил меҳнат қилиб, смена топшириқларини 220-250 процентга етказиб бажармоқдалар.

И. ПОДЛАЖОНОВ,
1-қозон цехининг бошлиғи.

ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

▲ Завод коллективи мамлакатимиз кимё саноатини такомиллашган асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадида етти йиллик мобайнида турбомашиналарнинг 15 та янги типини ва аппаратларнинг бир қанча хилини яратиш устида иш олиб бормоқда.

▲ Бундан икки-уч йил аввал завод йилига 30 —40 дона турбомашина тайёрлаб берган бўлса, ҳозир йилига 600 га яқин ана шундай машиналар ишлаб чиқармоқда. Бу билан мамлакатимиз кимё саноатининг турбомашиналарга бўлган эҳтиёжини [illegible] қондирмоқда.

▲ 1959 йилда завод 74 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш лозим бўлса, 1965 йилда бу кўрсаткич 185 миллион сўмга етказилади.

▲ Етти йил мобайнида пайвандлаш ишларининг 90 проценти автоматлаштирилади. Бу эса, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни ўн баравар камайтириш имконини беради.

▲ Темирчилик-пресс цехида қозон тубларини штамповкалаш процессини механизациялаштириш мўлжалланмоқда. Бу тадбирнинг амалга оширилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 10 —11 баравар кўпаяди.

Ютуқларнинг калиди ўз қўлимизда

Давлат планларининг тақдири бевосита станоклар олдида ҳал қилинади. Биз қанчалик унумли меҳнат қилсак, етти йиллик план топшириқлари шунчалик тез амалга оширилади.

Мен меҳнат қилаётган цех заводнинг юраги ҳисобланади. Чунки корхонада тайёрланадиган ҳар қандай машина ёки аппаратнинг қисмлари даставвал бизнинг цехда — қуюв цехида вужудга келади. Биз қанча кўп детал қуйсак, заводимиз шунча кўп маҳсулот ишлаб чиқаради, бинобарин завод техника-иқтисодий кўрсаткичлари ҳам шунча яхшиланади. Шунинг учун ҳам биз ишлаб чиқариш топшириқларини анча ошириб бажаришга аҳд қилиб, шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам куч-ғайратга тўлиб-тошган ҳолда меҳнат қилмоқдамиз.

Цех коллективи бракка йўл қўймаслик, мавжуд асбоб-ускуналардан рационал фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини кун сайин ошира бориш, маҳсулот таннархини тобора камайтириш учун курашмоқда.

Агар коллективимиз жон-дили билан меҳнат қилса, бу план топшириқларини 6 йилда эмас, ҳатто ўндан ҳам қисқа муддат ичида бажара оламиз.

Ш. ЖЕМЕЛЕВА,
қуюв цехининг ишчиси.

ЎЛКАНИ ЯШНАТИБ, КЕЛДИ НАВБАҲОР ЭКИШГА ТАЙЁР БЎЛ, ЎРТОҚ ПАХТАКОР!

Верхне-волинск районидаги «Гулистон» совхозининг ўртоқ Виктор Королев бошлиқ трактор-далачилик бригадасида кўклам экиш кампаниясига тайёргарлик ишлари қизитиб юборилган. Бу ерда техника ремонти сифатли ўтказилмоқда. Суратда: бригадир Виктор Королев ремонтдан чиқарилган механизм қисмларини текшириб кўрмоқда.

М. Шевелев фотоси.

Шайланиб турибдилар

Сирдарё районидаги «Малик» совхози тажриба хўжалигининг ўртоқ Ж. Тишлиқов бошлиқ 1- бўлим ишчи ва механизаторлари чигит экишга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўраётирлар. Бўлимда бу йил 450 гектар ернинг ҳаммасига квадрат-уялаб чигит экилади. Бу ерларнинг ҳар гектарига 500 килограммдан суперфосфат ва гўнг солиниб, кузда шудгор қилиб қўйилган.

Бўлимда 6 та трактор-далачилик бригадаси тузилди. Трактор-далачилик бригадаларининг аъзолари мўл ҳосилга пухта замин ҳозирламоқдалар. Квадрат-уялаб чигит экадиган экипаж аъзолари билан бир неча бор машғулот ўтказилди.

Ҳозир бўлимда иш қизғин бораётир. 4 та арава, 2 та трактор билан далага маҳаллий ўғит ташиб чиқарилмоқда. Бўлим ишчилари ер текислаш, ариқ-зовурларни тозалашни кучайтириб, чигит экишни ўз вақтида бошлаш ва бу ишни қисқа муддатда тугаллаш учун зарур тадбирларни амалга оширмоқдалар.

С. ХУДОЙБЕРГАНОВ.

Квадрат—мўл ҳосил гарови

Квадрат — мўл ҳосил гарови. Буни Отамурод Тўраев бошлиқ трактор-далачилик бригадасининг аъзолари ўз тажрибаларида синаб кўрдилар. 3-«Боёвут» совхозининг бу трактор-далачилик бригадасида ўтган йили 84 гектар ерга чигит квадрат-уялаб экилиб, гўза парвариши сифатли ўтказилган ва давлатга ҳар гектар ердан 42 центнердан ҳосил топширилган эди.

Бу йил бригаданинг экин майдони 140 гектарга етказилди. Механизаторлар ана шу ерларнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил топшириш учун пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Далалар текисланиб, карталарга ажратилмоқда. Квадрат-уялаб чигит экувчи экипаж аъзолари мавсумни шайланиб кутиб турибдилар. Механизаторлардан М. Холбоев, А. Салеметов, М. Мамажонов ўртоқлар ўз универсалларини биринчи бўлиб ремонтдан чиқарган эдилар. Моҳир механизаторлар чигит экишни ҳам биринчилар қаторида бошлашга аҳд қилганлар.

Ю. ЮСУПОВ.

Ҳамма нарса тахт

Бекобод районидаги Навоий номли колхознинг ўртоқ Оқжигит Хўжаназаров бошлиқ бригадасида кўклам дала ишлари қизитиб юборилган. Бригада аъзолари 92 гектар ернинг ҳар гектаридан 25 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олганлар. Улар бу мажбуриятни амалда бажариш учун курашиб тайёргарликни кучайтириб юбордилар.

Бу ерда маҳаллий ўғит тўплаш ва уни далага ташиб чиқаришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Барча экин майдони текисланиб, чигит экишга тахт қилиб қўйилди. Колхозчилардан Қ. Эсонов, А. Иброҳимов, Н. Қодирова, Х. Ботиров, Х. Сайдинов каби ўртоқлар дала ишларида актив қатнашиб, ҳаммага ўрнак бўлмоқдалар.

Ҳ. ҚОРАҚУЛОВ.

★ ★ ★

Трактор-далачилик бригадалари ташкил этишга юзаки қаралмоқда

Ўтган йили Юқори Чирчиқ районидаги колхозларда бир неча бригада донгдор механизатор Тюпко ҳаракатига қўшилиб, унинг тажрибаси асосида ишлади. Кўпчилик трактор-далачилик бригадаси дастлабки йилдаёқ яхши натижаларга эришди. Пахтачилик ишини кўпроқ механизациялаштириш йўли билан оз меҳнат сарфлаб, оддий далачилик бригадаларига нисбатан пахтадан юқори ҳосил олинди. Айниқса «Меҳнат бирлик» колхозининг ўртоқ Зокир Юсупов бошлиқ трактор-далачилик бригадаси эришган ютуқлар қувончли бўлди. Бу бригаданинг 12 аъзоси 73 гектар майдонга чигитни квадрат-уялаб экди, қисман ердаги гўзалар эса трактор билан қирқилиб, икки томонлама парвариш қилинди. Натижада қўл меҳнати анча камайди, ҳосилдорлик ошди. Бу бригада колхоз бўйича гектаридан олинган ҳосилга қараганда 5,8 центнердан ортиқ, яъни гектаридан 19,8 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлди. Бригададаги ҳар бир киши ҳисобига 12 тоннадан пахта етиштирилди. Сталин номли колхознинг ўртоқ С. Мирзалиев бошлиқ трактор-далачилик бригадаси ҳам ана шундай кўрсаткичларга эришиб, гектаридан 26 центнердан пахта топширди. Афсуски бундай ташаббускорлар сафини кенгайтиришга районда етарли эътибор берилмаяпти.

Баҳор кезларида район колхозларидаги 11 та бригада ана шундай прогрессив ҳаракатга қўшилган эди. Кейинчалик буларнинг сони камайиб кетди. Чунки колхоз раҳбарлари илғор ташаббусни қўллаб-қувватламадилар. Пахтачиликда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг мукаммал бу формаси бутун чоралар билан ривожлантирилмади. Натижада кўпчилик бригадада кутилган натижага эришилмаяпти.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1959 йилда трактор-далачилик бригадаларининг иш тажрибасини кенг ёйиш тўғрисида» деб чиқарган қарорида янги, прогрессив формани ҳар тарафлама оммалаштириш кераклиги ва трактор-далачилик бригадалари ташкил этиш вақтида юзакичиликка йўл қўймаслик зарурлиги таъкидланди. Шунга қарамасдан райондаги бир қатор колхозларда трактор-далачилик бригадалари ташкил этишга етарли эътибор берилмади, аксинча ўтган йилги хатолар такрорланмоқда.

Колхоз раҳбарларига кўклам экишига ҳар тарафлама тайёргарлик кўриш ҳамда юқори ҳосил олиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда трактор-далачилик бригадаларига зарур ёрдам бериш вазифаси юклатилган. Афсуски, бу муҳим топшириққа бепарво қараляётир.

Масалан, Жданов номли камқувват колхозда ишчи кучи камлиги эътиборга олиниб, учта трактор-далачилик звеноси тузилган. Колхоз раиси Сафаров, партия ташкилотининг секретари Турсунов ўртоқлар прогрессив усулни менсимаганларидан звеноларга биркитилган тракторлар, қишлоқ хўжалик асбобларини ҳалигача ремонтдан чиқармаганлар. Колхоз раисининг айби билан қисқа вақт ичида 3 та механик ўзгартирилган. Бу ҳол фақат трактор-далачилик звенолари ишига ҳалал бермасдан, балки колхозда кўклам экишига тайёргарлик ишларини жиддий хавф остида қолдирмоқда.

Колхозларда трактор-далачилик бригадаларини кўпроқ ташкил қилиш тавсия этилган. Райондаги колхозларда 53 та пахтачилик бригадаси бор. Ҳамма имконият бўлгани ҳолда атиги 7 та трактор-далачилик бригадаси, 3 та звено тузилибди. Трактор-далачилик бригадаларининг муваффақиятли ишлаши кўп жиҳатдан бригада бошлиқларини тўғри танлашга боғлиқдир. «Правда», «Политотдел» колхозларининг правдениелари шуни эътиборга олиб, бригадага таъкилотчи, пахта устаси Огай А, Лим Чан-чун сингари олий маълумотли агрономларни раҳбар қилиб белгилаган.

Лекин ҳамма колхозларда ҳам трактор-далачилик бригада бошлиқларини танлашга ана шундай тўғри муносабатда бўлинмади. 7 та трактор-далачилик бригадаси бошлиқларидан кўпи механизациядан хабарсиз кишилар. Сталин номли колхознинг раиси Талаббоев, агроном Умаров ўртоқлар «тўғри, ўтган йили трактор-далачилик бригадаларига эътибор бермадик» дейишади. Улар бу йил ҳам «иложимиз йўқ» деб ўтган йилдаги хатоларни такрорламоқдалар. Янгидан ташкил қилинмоқчи бўлган 2 та бригаданинг бошлиғи тракторнинг ёнидан ҳам ўтмаган. Раисниг гапига қараганда улар деҳқон йигитлар эмиш. Бундан ташқари ўртоқ Пўлдош Қолхозов бошлиқ трактор-далачилик бригадасида 125 гектар ерга 80 киши биркитилган. Ҳар бир кишига 1,5 гектардан сал ортиқ ер тўғри келади. Буни қандай қилиб трактор-далачилик бригадаси деса бўлади, ахир?! Колхозда тракторчилар кўп, қобилиятли кишилар бор. Фақат бепарволик орқасида ана шундай камчиликлар юз бермоқда. Жамбул номли колхозда шу чоққача битта ҳам трактор-далачилик бригадаси ташкил этилмаган. Колхоз раиси ўртоқ Тасболтаевнинг ишлаб чиқаришни ташкил этишининг мукаммал формасини тушуниб етмаётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.



Трактор-далачилик бригадасига,
Бошлиқ бўп, шод эди бригадир
акам.

Трактор бузилгач, тилини
билмай,
Сирлари очилиб, бўлдилар
мулзам...

Колхоз раислари, «район ижроия комитети трактор-далачилик бригадаларини кўпайтириш ҳақида топшириқ берди, икки-уч кунда янги бригада тузиб ишни йўлга қўйиб юборамиз», демоқдалар. Ваҳоланки бундай бригадалар аллақачонлар «тузилиб» бўлинган. «Меҳнат бирлик» колхозида ўтган йили 2 та бригада бўлган бўлса, бу йил битта тузилган. «Ленинизм», Сталин номли колхозларда ҳам аҳвол шу!

Областимиздаги илғор трактор-далачилик бригадалари ишни ҳар тарафлама тўғри ташкил этиб, техникадан унумли фойдаланиш туфайли оз меҳнат ва маблағ сарфлаганлари ҳолда пахтадан юқори ҳосил етиштирмоқдалар. Бу ҳаммага аён. Лекин Юқори Чирчиқ районидаги колхозларнинг раҳбарлари бунинг фарқига бормаётганликлари бизни ажаблантиради.

Ш. КУЗАНБОЕВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

☆ ☆ ☆

Чигит экишга пухта тайёргарлик кўриш—муҳим вазифа

(ГАЗЕТХОНЛАР ХАТИГА ОБЗОР).

Ҳозирги кунда областимиз колхоз ва совхозларининг қайси бирига борманг, у ерда ўз хўжалигини яна ҳам гуркираб яшнаши учун астойдил меҳнат қилаётган кишиларни учратасиз. Қишлоқ мухбирлари миришкор деҳқонларимизнинг ана шу меҳнатлари ҳақида редакциямизга кўплаб хабарлар юбормоқдалар.

«Тошкент наслчилик» ҳамда «2-Оҳангарон» совхозларининг ишчилари ерни сифатли шудгорлаб, техника ремонтини тамомлаб, чигит экишни ўз вақтида бошлаб юборишга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ҳақда **Б. Умаров, Т. Хушназаров** ўртоқлар хабар юборишган. Ўртоқ **Т. Қосимов**нинг Пискент районидан юборган хабарида кўрсатилишича, Хрушчев номли колхоз кейинги йиллар ичида анча юксалди. Колхоз аъзолари бу йил ҳам пахтадан мўл ҳосил етиштириб, ўз хўжаликларини янада мустаҳкамлаш учун курашмоқдалар. Улар 560 гектар ерга чигит экиб, гектаридан 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилишган.

Қ. Мунавваров ва **М. Эшонқулов** ўртоқлар Мирзачўл районидаги «Коммуна» колхозида кўкламга тайёргарлик ишлари қизғин бораётганини, айниқса, далага гўнг ташиб чиқаришга катта эътибор берилаётганлигини маълум қиладилар.

— Ленин номли колхозда, — дейди ўртоқ **Ҳ. Бобожонов** Гулистон районидан ёзган хабарида, — барча қишлоқ хўжалик машиналари тўла ремонт қилиб қўйилди. Ҳозир 45 от-арава, 19 автомашина билан далага гўнг чиқарилаётир. **Ҳ Зикруллаев, Ю. Юсупов** ўртоқлар 4-«Боёвут» совхозининг 4-бўлимидан юборган хабарларида бу йил ўтган йилги камчиликлар такрорланмаётгани, пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашаётган ишчилар ер текислаш ишини уюшқоқлик билан ўтказаётганликларини айтганлар.

Б. Тешабоев ва **Ш. Ортиқов** ўртоқлар Верхне-волинск районидан шундай деб ёзадилар: бу йил Максим Горький номли колхозда 720, Куйбишев номли колхозда 1100 гектар ерга чигит экилади. Ҳар иккала колхозда ҳам бу йил ҳосилдорлик-нинг 2301 [illegible]

ни 30-31 центнерга етказиш учун кураш қизитиб юборилган.

Мирзачўл районидаги Ленин номли, Сталин номли колхоз аъзолари техника ремонтини барвақт тамомладилар, — деб хабар қилишади **С. Қурбонов** ва **А. Алибеков** ўртоқлар, — ҳозир ариқ-зовурлар тозаланмоқда. Бироқ районнинг «Ленинский путь» колхозида кўкламга тайёргарлик ишлари жуда суст олиб борилаётир. Колхозда ҳалигача ҳайдалмаган ер бор. Бу ҳақда ўртоқ **Б. Соибназаров** хабар ёзган.

Чиноз районидаги Энгельс номли, Сталин номли, «Коммунизм» ва «ЎзССР 30 йиллиги» колхозларидан ҳам хат олинди. «Депутат бошлиқ бригада кўкламга пухта тайёрланмоқда», «Трактор-далачилик бригадасида», «Кўкламга пухта тайёрланмоқдалар» ва «Трактор-далачилик бригадалари мўл ҳосил учун курашда», «Тюпкочилар сони кўпаймоқда» сарлавҳали бу хабарларнинг авторлари колхоз аъзоларининг фидокорона меҳнат қилаётганликлари ҳақида ёзиб юборганлар.

Янгийўлдик **Ж. Холматов, М. Юсуфалиев** ва **Н. Саримсоқов** ўртоқлар Свердлов номли ва «Коммунизм» колхозларидан хабар юбориб айтадиларки, бу колхозларда чигитни квадрат-уялаб экишга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Ер текислаш ишларига барча ишчи кучлари ва техника жалб қилинган.

Пискент районидаги Жданов номли колхоздан ўртоқ **О. Эшонқулов** редакциямизга хабар юбориб, бу колхоз бир неча йилдан бери қолоқликдан чиқолмай келаётганига қарамай мўл ҳосил пойдевори бўлган кўкламга тайёргарлик ишларига бу йил ҳам жиддий эътибор берилмаётганини кўрсатади. Бундай колхоз ва совхозлар областнинг бошқа районларида ҳам бор, албатта. Шунинг учун ҳар бир колхоз, совхоз ва район партия, совет ҳамда қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари ғанимат кунлардан унумли фойдаланиб, барча куч, воситаларни кўклам экиш кампаниясига пухта тайёрлаш учун тўла сафарбар қилишлари лозим. Бу — шу кунинг муҳим вазифаси.

РЕДАКЦИЯГА ЖАВОБ ҚИЛАДИЛАР

„Радиоузел қачон узлуксиз ишлайди?"

Мирзачўл районидаги «Мирзачўл» совхозининг ишчилари редакциямизга хат ёзиб, совхоз марказида жойлашган радиоузелнинг мунтазам ишламаётганлигидан шикоят қилган эдилар.

Мирзачўл район партия комитетининг секретари ўртоқ К. Пронин бу хабарга қуйидаги жавобни берди:

«Мирзачўл» совхозида радиоузелнинг узлуксиз ишламаслигига электр қувватининг доимо бериб турилмаслиги сабаб бўлган.

Район алоқа бўлими бошлиғи Ҳалимов ва совхоз партия ташкилотининг секретари Собиров ўртоқларнинг аралашуви натижасида радиоузел электр қуввати билан таъмин этилиб, мунтазам ишлай бошлаган».

РЕДАКЦИЯДАН:

Совхоз ишчилари орасида сиёсий-оммавий ишларни олиб боришнинг муҳим воситаларидан бири бўлган радиоузел ишига партия ташкилоти секретарининг тасодифий равишда «аралашгани» бизни таажжубга қолдиради. Демак, ўртоқ Собиров бундай ишларга махсус сигнал бўлгандан кейингина аралашар экан-да!

Партиямиз VIII съезди

(РКП(б) VIII СЪЕЗДИНИНГ 40 ИЙЛЛИГИ)

Бундан 40 йил муқаддам, 1919 йил 18-23 мартда Москвада Коммунистик партиянинг VIII съезди бўлиб ўтди.

Шонли партиямизнинг VIII съезди ёш Совет республикасининг халқаро ва ички аҳволи жуда мураккаблашган оғир бир шароитда бўлиб ўтди. Съезд очилиши арафасида Совет республикасининг халқаро аҳволи соҳасидаги энг катта қийинчиликлари шундан иборат эдики, АҚШ бошлиқ империалистик давлатлар мамлакатимиз ичидаги контрреволюцион кучлар билан бирлашиб, ёш Совет республикасига қарши ҳарбий интервенцияни кучайтирган бир давр эди. Бу вақтда мамлакатимизнинг ички аҳволи ҳам гоятда оғир бўлиб, қаттиқ қийинчиликларни ўз бошидан кечирмоқда эди.

Мамлакатимиз шундай оғир аҳволда қолган бир вақтда партия ва ҳукуматимиз бу қийинчиликлардан қутилишнинг йўлларини белгилаб берди; партия мамлакатни ҳарбий лагерь деб эълон қилди ва мамлакатнинг хўжалик, маданий-сиёсий ҳаётини ҳарбий изга солиб қайта қурди. Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин «Социалистик ватан хавф остида», «Ҳамма нарса фронт учун» деган шиорни майдонга ташлади. Бу шиорлар мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ва умумий душман устидан тарихий ғалабаларга эришишда катта роль ўйнади. Шундай қилиб партия VIII съезди ёш совет давлатига қарши халқаро империализмнинг юриши ва иккинчи томондан «Совет ҳукуматидан қўлингни торт!» деган шиор остида халқаро ишчилар ҳаракати кучайган, бутун дунёда коммунистик ҳаракат авж олган бир шароитда тўпланди.

Партия VIII съезди В. И. Ленининг бевосита раҳбарлигида ўтиб, партиямиз ҳаётида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалаларни муҳокама қилди ва улар юзасидан тарихий қарорлар қабул қилди. Съездда кўрилган энг асосий масалалар: Марказий Комитетнинг ҳисоботи, партиянинг янги программасини қабул қилиш, ҳарбий аҳвол ва ҳарбий сиёсат, қишлоқда ишлаш тўғрисида ва ташкилий масалалардан иборат бўлди.

В. И. Ленин съездда Марказий Комитетнинг сиёсий ишлари юзасидан қилган ҳисобот докладида ёш Совет республикасининг халқаро ва ички аҳволини чуқур анализ қилиб берди ва бу соҳадаги партиямизнинг асосий вазифалари — Совет мамлакати учун жиддий хавф солиб турган ички ва ташқи контрреволюцион кучга жиддий зарба бериш, Совет ҳокимиятини сақлаб қолиш ва унинг келгуси тараққиётини таъминлаш, социализм қурилишини ривожлантиришдан иборат эканлигини кўрсатиб берди.

Съездда муҳокама қилинган асосий масалалардан бири партиянинг янги программасини қабул қилиш бўлди. Бизга маълумки, партиянинг биринчи программаси 1903 йилда РСДРПнинг II съезди томонидан қабул қилинган эди. Партиянинг бу революцион программаси VIII съездгача (1919 йил) партиямизнинг жанговар раҳбар ҳужжати бўлиб келди. Партия II съездидан сўнг мамлакатда катта ўзгаришлар рўй берди. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси даврини бошлаб берди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси жаҳон коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг илғор отрядига айланди. Бу буюк ўзгаришлар партиямиз программасини ўзгартиришни талаб қилар эди. В. И. Ленин ўзининг машҳур Апрель тезисларидаёқ, партия программасини ўзгартириш кераклигини кўрсатиб, янги программанинг проектини ишлаб берган эди.

Бу янги программада капитализмдан социализмга ўтиш давридаги партиянинг вазифалари белгиланиб берилган. Программада совет демократиясининг энг олий демократия эканлигига чуқур характеристика берилиб, буржуа демократиясининг сохта демократия эканлиги фош қилинган. Янги программада социализм ғалабаси учун курашда иқтисодий соҳадаги ҳал қилувчи вазифа мамлакатимиз ишлаб чиқарувчи кучларини ҳар томонлама ривожлантиришдан иборат эканлиги қайд қилинган. Шунингдек, программада мамлакатнинг барча хўжалик фаолияти ягона умумдавлат плани асосида амалга оширилиши кўрсатилган. Қишлоқ хўжалик соҳасида эса йирик социалистик деҳқончиликка кўчишнинг бир қанча чора ва тадбирлари ҳам белгиланди. Чунончи, совхозлар тузиш, ерни жамоа бўлиб ишлашда жамоа ва ўртоқликни ташкил қилиш; барча экилмаган ерларни давлат йўли билан экиш; ҳосилдорликни ошириш учун барча агрономия кучларини сафарбар қилиш; қишлоқ хўжалик коммунасини қувватлашдан иборат.

Программада яна меҳнатни ҳимоя қилиш ва социал-таъминот, уй-жой қурилиши, халқ соғлигини сақлаш, халқ маорифи, умуман меҳнаткашларнинг моддий-маиший аҳволини яхшилаш ва маданий савиясини ошириш соҳасидаги вазифалари аниқ кўрсатиб берилган.

Съездда программани муҳокама қилишда жиддий тортишувлар бўлди. Бухарин ва Пятаковларнинг янги программа проектига киргизган империализм капитализмнинг энг сўнгги босқичи деган характеристикасига қарши чиқиб, улар «соф империализм» тўғрисидагина гапиришни, капитализм тўғрисидаги, майда товар ишлаб чиқариш тўғрисидаги ва ўрта деҳқон хўжалиги тўғрисидаги моддаларни программадан чиқариб ташлашни талаб қилдилар. Бу билан улар майда товар хўжалиги капитализм ва қулоқ хўжалигини туғдириб туришини яширидилар ва қулоқларни тинч йўл билан социализмга ўсиб ўтади деб уқтирмоқчи бўлдилар.

В. И. Ленин съездда сўзлаган нутқларида Бухарин ва Пятаковларнинг программадан капитализм тўғрисидаги, майда товар ишлаб чиқариш тўғрисидаги ва ўрта деҳқонлар тўғрисидаги моддаларни чиқариб ташлашни талаб қилишларига қарши чиқиб, уларга жиддий зарба берди. Ленин империализм капитализмнинг юқори босқичи эканлигини, капитализм базасига асосланмаган империализм бўлмаслигини ва бўлиши ҳам мумкин эмаслигини илмий асосда исбот қилиб берди. Съезд Ленин йўлини тўла қувватлади. VIII съезд миллий масала юзасидан ҳам Бухарин ва Пятаковларнинг программадаги миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳақидаги ленинча принципга қарши чиқишларига зарба берди. Бу улуғ давлатчилик ва шовинистик чиқишлар эканлигини уқтирди.

Партия VIII съезди томонидан янги программанинг қабул қилиниши жуда катта тарихий аҳамиятга эга бўлди. Коммунистик партия шу программа асосида мамлакатда буюк катта тарихий ғалабаларни қўлга киритди. Эндиликда мамлакатимиз партия XXI съезди томонидан белгиланиб берилган янги даврга — коммунистик жамият қуришни кенг авж олдириш даврига кирди. Партиямизнинг ва совет халқининг ҳозирги кундаги асосий вазифаси кураш ва ғалабалар программасида бўлган етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини бажаришдан иборатдир.

Съездда ўрта деҳқонларга муносабат масаласи жиддий ўрин олди. Мамлакатда ўрта деҳқонлар деҳқон аҳолисининг кўпчилигини ташкил этарди. Шунинг учун Ленин қулоқларга қарши курашдан бир минут ҳам воз кечмасдан ва фақат камбағалларгагина маҳкам суяниб туриб, ўрта деҳқонлар билан келиша билмоқ керак деган эди. Партия Ленининг шу кўрсатмасига асосан ўрта деҳқонлар билан жиддий алоқани мустаҳкамлай бошлади ва натижада 1918 йилнинг кузидан бошлаб ўрта деҳқонлар Совет ҳокимияти томонига юз ўгира бошлади. Партия В. И. Ленининг ўрта деҳқонларга нисбатан зўрлаш, мажбур қилиш методи жуда катта зарарли эканлиги тўғрисидаги кўрсатмасига суяниб, ўрта деҳқон билан амалда битим ясаш, қишлоқни социалистик асосда қайта қуриш йўлларини белгилашда уларга ён бериш ва улар билан маҳкам иттифоқ тузиш сиёсатини юргизди. Съезд бу кўрсатмага амал қилиб, энди ўрта деҳқонларни чеклаш сиёсатидан, улар билан мустаҳкам иттифоқ тузиш сиёсатига, қулоқларга қарши ва Совет ҳукуматининг бошқа синфий душманларига қарши кураш сиёсатига ўтишни кўрсатиб берди. Коммунистик партия съезднинг бу кўрсатмасини оғишмай амалга ошира бориб, катта ғалабаларни қўлга киритди. Ўрта деҳқонларга нисбатан тутилган тўғри йўл ажнабий ҳарбий интервенция ва унинг оқгвардиячи малайларига қарши олиб борилган граждандар урушида тарихий ғалабаларга эришишимизда ва социалистик жамият қуришда катта роль ўйнади. Съездда партия душманларининг ўрта деҳқонлар билан иттифоқ тузиш ҳақидаги партия йўлига қарши чиқишлари қаттиқ зарбага учради. Ишчилар билан деҳқонларнинг бузилмас дўстлиги мамлакатда социалистик индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаш даврида янада мустаҳкамланди. Ҳозирги кунда бир-бирига дўст бўлган ишчилар ва колхозчи деҳқонлар синфи ўртасида қарор топган дўстлик партия томонидан қўйилаётган буюк вазифаларнинг шараф билан бажарилишининг буюк гаровидир.

Съезд ҳарбий масалага алоҳида эътибор берди. Ленин қуролли мудофаасиз социалистик республиканинг яшаши мумкин эмаслигини кўрсатди. Совет Россияси империалистик давлатлар қуршовида яшаб турганлигини эътиборга олиб, партия VIII съезди мунтазам Қизил Армияни ташкил қилиш кераклигини кўрсатиб ўтди. Съездда «ҳарбий оппозиция» деб аталадиган группа бош кўтариб чиқди. Бу группа ўзига собиқ «сўл коммунистлар»дан анчагинасини бирлаштирган эди. Улар армияда партизанчилик қолдиқларини ҳимоя қилиб, мунтазам Қизил Армия тузишга, ҳарбий мутахассислардан фойдаланишга ва армиядаги темир интизомга қарши чиқишлар. Съезд «ҳарбий оппозиция»га ва троцкийчиларга қаттиқ зарба берди ва чинакам пролетар интизомига асосланган мунтазам Қизил Армия тузиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилди. Съезднинг бу қарори Қизил Армияни мустаҳкамлашда ва уни партия, халқ билан янада яқинлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Партия ва Совет ҳукуматининг ҳарбий-сиёсий иттифоқини мустаҳкамлашда, Қизил Армияни мустаҳкамлашда катта роль ўйнади.

Совет халқи Коммунистик партиянинг синаглари раҳбарлиги ва ғамхўрлиги натижасида партия VIII съезднинг бу улуғвор вазифаларини шараф билан амалга ошириб, мамлакатда социализмнинг тўла ва узил-кесил ғалабасини таъминлади. Эндиликда совет халқи КПСС XXI съезди томонидан қабул қилинган етти йиллик планнинг улуғвор вазифаларини бажаришга астойдил киришди. Коммунистик жамият қуришнинг программа ҳужжати бўлган етти йиллик планнинг буюк вазифалари халқимизнинг куч ва ғайратини янада оширмоқда.

Тилла АБДУЛЛАЕВ,
тарих фанлари кандидати

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ БИР ГРУППА ДЕПУТАТЛАРИНИНГ АНГЛИЯДА БЎЛИШИ

ЛОНДОН, 16 март. (ТАСС). СССР Олий Советининг М. А. Суслов бошчилигида шу ерда меҳмон бўлиб турган бир группа депутатлари бугун Англия парламентида бўлдилар.

Меҳмонлар парламентга келганларида уларни умум палатаси аъзолари, Англия-Рус парламент комитетининг раиси Жулиус Силвермэн, комитет аъзолари Стивен Суинглер, Кони Зиллиакус, Жозеф Ривс, Эмрис Хьюз ва Барнетт Стросс кутиб олдилар. СССР Олий Совети депутатлари Англия парламенти биносини бир ярим соат давомида кўздан кечириб, ўз мезбонларига жуда кўп саволлар бердилар. Умум палатасининг мажлислар залини кўздан кечирган вақтда Кони Зиллиакус оппозиция ва ҳукмрон партия курсиларининг олдинги қаторлари жойлашган ерда пол устидаги қизил чизиққа меҳмонларнинг эътиборини жалб этди. Мунозаралар вақтида, деди Зиллиакус, тортишувларнинг муштлашишга айланиб кетмаслиги учун палата аъзолари ана шу чизиқдан нарига чиқмасликлари лозим. Совет меҳмонлари лордлар палатасининг мажлислар залида ҳам бўлдилар, қадимий Вестминстер залини тамоша қилдилар, парламент айвонига чиқдилар. Бу айвондан Темза дарёси манзараси кўриниб туради.

Меҳмонлар бинони кўздан кечирганларидан кейин овқат залига ўтдилар, бу ерда парламентнинг бир группа аъзолари билан бирга овқатландилар. Кейинчалик СССР Олий Совети депутатлари умум палатасининг мажлисида ҳозир бўлдилар.

Пировардида Англиядаги традицияга мувофиқ меҳмонлар чойга таклиф этилди ва улар Англия-Рус парламент комитетининг аъзолари билан суҳбатлашдилар.

15 март, якшанба куни СССР Олий Совети депутатлари Лондондаги диққатга сазовор жойларни тамоша қилдилар. Кечқурун улар парламент аъзоларидан Сидней Сильвермэн, Стивен Суинглер ва Кони Зиллиакуснинг уйларига таклиф қилиндилар. Самимий вазиятда меҳмонларни ва мезбонларни қизиқтираётган проблемалар ҳақида суҳбатлашилди.

Англия газеталари совет депутатларининг Англияда бўлиши тўғрисидаги хабарларни мунтазам суратда босиб чиқармоқдалар.

———

СОВЕТ ВА КОРЕИС ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ— УЛУҒ ВА ОЛИЖАНОБ ИШ

16 мартда Союзлар уйининг Колонна залига тўпланган Москва шаҳар жамоатчилигининг вакиллари СССР билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида иқтисодий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган кунининг ўн йиллигини нишонладилар.

СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Совет-Корея дўстлиги жамияти правлениесининг раиси М. П. Тарасов қисқача кириш нутқи сўзлаб кечани очди.

СССР Қишлоқ хўжалиги министри В. В. Мацкевич доклад қилди.

Корея Халқ Демократик Республикасининг СССРдаги элчиси Ли Син Пхар йиғилиш қатнашчиларига қарата нутқ сўзлади.

Совет-корейс дўстлиги кечасининг охирида концерт қўйиб берилди.

(ТАСС).

СОВЕТ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАШМИРЛИКЛАРДА МЕҲМОН БЎЛДИ

СРИНАГАР, 16 март, (ТАСС). Кашмир ҳукумати ва штат аҳолиси Кашмирда меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси А. А. Андреев, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси Н. А. Муҳитдинов ва бошқа расмий кишилардан иборат Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясини ғоят самимий кутиб олмоқда. Совет делегациясининг визити маҳаллий матбуот ва Кашмир жамоатчилигининг диққат марказида турибди. Газеталар совет делегациясининг сафари тўғрисидаги жуда кўп материалларни биринчи саҳифаларда босиб чиқармоқдалар ва совет делегациясининг визитига жуда катта аҳамият бермоқдалар.

Бугун Сринагарда Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси шарафига ёшлар байрами ва парад ўтказилди. А. А. Андреев Сринагар шаҳри ўқувчиларини табриклаб, Ҳиндистон ёшларининг Ҳиндистон халқлари бахтли ҳаётини муваффақиятли суратда барпо қилишда катта ютуқларга эришувларини тилади.

Ёшлар байрамининг охирида Кашмир халқ рақслари ва қўшиқлари ижро этилди.

Совет ҳукумат делегацияси аъзолари бугун Кашмир халқининг ҳаёти ва бой традициялари билан танишиб чиқишни давом эттирдилар. Улар Кашмирнинг бутун дунёга донғи кетган ҳунармандчилик буюмларининг энг яхши намуналари қўйилган виставка-магазинга бордилар. Н. А. Муҳитдинов пиллакашлик фабрикасини кўздан кечирганида Совет Иттифоқи шу соҳадаги ўз тажрибаларини кашмирликлар билан бахам кўришга ҳурсанд эканлиги ҳақида сўзлади.

Совет меҳмонлари Сринагарнинг атрофидаги гидроэлектростанцияни ҳам кўздан кечирдилар ва Салура қишлоғида бўлдилар.

СРИНАГАР, 16 март. (ТАСС). Жамму ва Кашмир штатининг бош министри Ғулом Муҳаммад Бахши Кашмирда меҳмон бўлиб турган Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси шарафига бугун хайрлашув зиёфатини ўтказди.

Зиёфатда Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг аъзолари А. А. Андреев, Н. А. Муҳитдинов ва бошқалар, СССРнинг Ҳиндистондаги элчиси П. К. Пономаренко ва Ҳиндистоннинг СССРдаги элчиси К. Н. Ш. Менон, Жамму ва Кашмир миллий конференциясининг раҳбарлари, Сринагар касаба союзлари ва жамоатчилигининг вакиллари, шаҳар муниципал кенгашининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Бош министр Бахши совет меҳмонларини табриклаб айтдики, халқаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик ўрнатиш мақсадида Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон республикаси ўртасида қарор топган мустаҳкам ҳамкорлик ҳар иккала мамлакатнинг биргаликда ҳаракат қилиш туйғуларини вужудга келтирди. Бу эса мустаҳкам муносабатлар ўрнатишга ва бир-бирларига нисбатан яхши ниятда бўлишга олиб келди.

А. А. Андреев бош министрнинг табригига жавобан самимий кутиб олганлиги, табрик ва истаклари учун ташаккур изҳор қилди.

Совет делегациясининг бошлиғи АҚШ билан агрессив Бағдод блоки аъзолари ўртасида ҳарбий битимлар тузилишига, жумладан Америка-Покистон ҳарбий битими тузилишига тўхталиб айтдики, бу битим Покистоннинг тинчликсевар қўшниларига ва Совет Иттифоқига қарши қаратилган. Бу битим, деди А. А. Андреев, ўзларининг миллий тараққиёт йўлини танлаб олган ва ҳозирги кунда энг муҳим вазифаларини ҳал этишга киришган халқларнинг манфаатларига тамомила зиддир.

Ҳарбий битимлар ва блоклар тузиш йўли, деди А. А. Андреев, халқларни фаровонлик ва тараққиётга олиб борадиган йўл эмас. Биз бошқача йўлни, яъни бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш йўлини танлаб олган Ҳиндистон халқини табриклаймиз. Шу сабабли биз Ҳиндистон халқини севамиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Биз, осойишталик ва тинч тараққиётни кўзда тутган ўз ҳукуқини қатъиқ туриб ҳимоя қилиш йўлида Ҳиндистон халқи билан бирлашган Кашмир халқини табриклаймиз. Совет Иттифоқи ана шу интилишни қувватлайди ва бу интилиш Кашмирнинг экономикаси ҳамда маданиятини юксалтириш соҳасидаги вазифаларни ҳал этишга олиб келажагига аминмиз.

СОВЕТ-АФҒОНИСТОН ҲАМКОРЛИГИ

ҚУНДУЗ (Шимолий Афғонистон). 16 март. (ТАСС). Хонобод дарёси орқали ўтадиган кўприк фойдаланишга топширилди. Бу кўприк Панж дарёси бўйидаги Қизилқала портидан Афғонистон пойтахтига борадиган йўлда совет мутахассисларининг ёрдами билан қурилаётган йирик иншоотларнинг биридир.

Афғон мутахассислари комиссиясининг актида ишларнинг аъло сифат билан бажарилганлиги таъкидланади. Комиссия аъзолари муҳим транзит магистралида автомобиль транспортининг тўхтовсиз қатнаб туришини таъминлайдиган шу кўприк қурилишида ёрдам берганликлари учун, шунингдек Совет Иттифоқи ёрдами билан Афғонистонда бажарилаётган бошқа қурилишларга бораётган 70 дан ортиқ бинокор мутахассисларни тайёрлаганликлари учун совет мутахассисларига чин кўнгилдан ташаккур айтдилар.

Польша Бирлашган ишчи партиясининг съезди

ВАРШАВА, 17 март. (ТАСС). Кеча Польша Бирлашган ишчи партияси съездининг эрталабки мажлисида музокаралар давом этди.

Кундузги мажлисда Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Р. Замбровский «Польша Бирлашган ишчи партиясининг Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида» доклад қилди.

Уставга киритиладиган ва III съезднинг тасдиқига тақдим этилган ўзгартиш ва тузатишлар, деди Р. Замбровский, Уставнинг асосий ленинча принципларини ушлаб, шунингдек II съезддан кейин, айниқса Марказий Комитетнинг VIII пленумидан кейин ўтган вақт ичида партиянинг амалий фаолиятида рўй берган муҳим ўзгаришларни ҳисобга олишга қаратилгандир.



Тошкент шаҳрининг Октябрь район коммунал хўжалигига қарашли 1-оранжерея коллективи пойтахт кўчаларини обод ва гўзал қилишга ҳисса қўшиш мақсадида 1 миллион тупдан ортиқ 120 хил гул кўчати тайёрлаб қўйди. Бу кўчатлар шаҳарнинг Ҳамза, Навоий, Вилоят, Сағбон ва бошқа кўчаларига экилади. Суратда: оранжерея гулчиси Д. Қодиров гул кўчатларини кўздан кечираётир.

Х. Хайтмуҳамедов фотоси.

Март ойида об-ҳаво

Бу йилги март ойида Ўзбекистон об-ҳавоси бошқа йиллардагидан анча фарқ қилмоқда. 8 мартдан 12 мартгача бўлган давр ичида ёғингарчилик айниқса кўп бўлди. Масалан, мартнинг 16 куни ичида республиканинг ҳамма областларида ёққан ёмғирнинг миқдори бошқа йилларда бутун март ойи ичида ёғадиган ёмғир миқдорига тенг келади. Кундузлари ҳавонинг температураси фақат 3 — 5 даражадан 10 — 12 даражагача иссиқ, республиканинг шимолий районларида ҳатто 0 — 2 даражагача совуқ бўлди.

Бундай об-ҳаво шароити — СССРнинг Европа қисми шимолий районларидан ва Арктика муз денгизларидан совуқ ҳавонинг Ўрта Осиёга узлуксиз келиб туриши ва Ўзбекистон территориясида циклонларнинг пайдо бўлиши натижасида юз берди.

15 — 16 март кунларида шимолдан совуқ ҳавонинг келиши кучайиши натижасида ҳаво температураси яна ҳам пасайди ва Тошкент, Самарқанд областлари ҳамда Бухоро областининг баъзи жойларида қор ёғди. Республиканинг кўп районларида кечаси температура 5 — 6 даража совуқ, Қорақалпоғистон АССР ва Хоразм областида эса 7 — 8 даражагача совуқ бўлди.

Яқин 2 — 3 кун ичида ҳавонинг салқин бўлиши ва баъзан ёғингарчилик бўлиши кутилади.

А. ТОҲИРЖОНОВ,

Тошкент об-ҳаво бюросининг бош инженер-синоптиги.

Телевизор экранида

19 МАРТДА

19.00 Халқаро обзор.

19.15 Бадиий фильм — «Севги гули».

20.35. Декада қатнашчиларининг чиқиши ва сўнгги ахборот.

Чуқур миннатдорчилик хати

Низомий номидаги Тошкент педогогика институтида ташкил этилган Юлиус Фучик тўғараги адресига жуда кўп хатлар келиб туради. Тўғарак аъзолари Юлиус Фучикни шахсан танган, у билан ишлаган Чехословакия меҳнаткашлари, мактаб ўқувчилари ва студентлардан ҳам хат олиб турадилар. Яқинда Чехословакиядан яна бир хат келди. Бу хат ўзининг мазмуни билан илгариги хатлардан ажралиб турарди. Уни Чехословакия Халқ Демократик Республикаси соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари Зденек Штих ёзиб юборган эди.

Зденек Штих фашистлар оккупацияси даврида Юлиус Фучик билан бирга яширин ташкилотда иш олиб бориб, гитлерчиларга қарши актив курашган. У Чехословакия зиёлиларининг энг яхши вакилларини фашизмга қарши курашга сафарбар этган. Ўзи бўлса врач сифатида оккупантларга қарши курашда жароҳатланганларни даволади.

Юлиус Фучик ўзининг «Қатл олдидаги сўз» номли ўлмас асарида ёзишича, тюрьмада оташин журналистни сўроқ қилаётганларида гестапочилар врач Зденек Штихни олиб кирадилар. Фашистлар бу икки дўст бир-бирининг сирини фош этарлар, деб умид боғлаган эдилар. Бироқ коммунист Штих партия ишига содиқ бўлиб қолади. У терговчининг саволларига жавоб бермайди. Шундан сўнг Зденек қамоққа ҳукм этилади. У Юлиус Фучик билан бирга Пэнкрац тюрьмаси камерасида яшайди.

«Сизнинг чехословак халқига ва бизнинг қаҳрамонимиз Фучикка бўлган ҳурматингиз мени жуда ҳаяжонлантирди,— деб ёзади ўз хатида ўртоқ Штих. Сизларнинг ҳаммангизга раҳмат. Тўғарак ишларига катта муваффақиятлар тилайман». Зденек Штих ўз хатида тўғарак аъзоларига Юлиус Фучик билан бўлган дўстлиги ҳақидаги эсдаликлар ва ёзувчи билан фашист тюрьмасида ўтказилган кунлар тўғрисида ёзиб юборишни ҳам ваъда қилган.

Г. Набойшчиков.

Декада қатнашчилари ҳисоб бермоқдалар

Шу кунларда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати ва адабиёти декадаси қатнашчиларининг пойтахтимиздаги саноат корхоналари ишчилари, олий ўқув юртлари студентлари ва мактаб ўқувчилари билан учрашувлари бўлиб ўтмоқда.

Яқинда Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида бўлиб ўтган учрашувда шоир ва ёзувчилардан Ўйғун, Ҳамид Ғулом, Мамарасул Бобоев, Мирмуҳсин, Шуҳрат, А. Иванов, Султон Акбарий, С. Бородин ва бошқалар қатнашдилар. Ёзувчилардан Ҳамид Ғулом, С. Бородин ва бошқалар сўзга чиқиб, декада якунлари, Москва таассуротлари ва ўз ижодий планлари ҳақида сўзладилар. Шоир Ўйғун, М. Бобоев, Шуҳрат, А. Иванов ва бошқалар йиғилганларга ўз лирик шеърларидан ўқиб бердилар.

Худди ана шундай учрашув Ўрта Осиё давлат университетида ҳам бўлиб ўтди.

Эстрада театрида эса болалар ёзувчилари ва артистлар пойтахтимиз пионерлари билан учрашдилар. Шоирлардан Қудус Муҳаммадий, Қудрат Ҳикмат, Шукур Саъдулла, Илёс Муслим ва артистлардан С. Эшонтўраева, Ш. Бурҳонов, Н. Раҳимовлар билан бўлган бу учрашувдан пионер ва ўқувчилар жуда мамнун бўлдилар.

Б. АЗИЗОВ,
О. САЙДАМИНОВ,
М. МАҚСУДОВА.

„РИОНИ“

Грузиянинг Кутаиси автомобилсозлари «Рионн» деб аталувчи боғларни парвариш қилишда ишлатиладиган трактор ишлаб чиқардилар. Бу трактор проектини Кутаиси автозаводининг ёш конструкторлар коллектив и тайёрлаган. Машина кичик габаритли бўлиб, оғирлиги бор-йўғи 160 килограммдир. Машина бир соатда 4—8 километр тезликда юради ва ана шу масофа учун бир литр бензин сарфлайди.

«Рионн» фойдаланиш учун жуда қулайдир. У турли махсус мосламалар ёрдами билан 32 хил ишни бажара олади. Машинадан ер ҳайдаш, дон сепиш, чуқурла р ва ариқ ковлаш, ерни трамбовка қилиш, хашак ўриш, экинларни культивация қилиш ва ҳатто дарахтларни кесиш ишларида ҳам фойдаланиш мумкин. «Рионн» ярим тоннагача оғирликдаги юкни ҳам бемалол торта олади.

Пойтахтимиздаги 10-ўрта мактабнинг спортчилари дарсдан ташқариги вақтларда машқ қилиб, ўз маҳоратларини доимо ошириб борадилар. Суратда: 7-синф ўқувчиси Семен Злотников гимнастика машқларини бажармоқда.

И. Гильдин фотоси.

Республика биринчилиги учун волейбол мусобақаси

Тошкентдаги Марказий «Пахтакор» стадионининг спорт залида республика биринчилиги учун командалар ўртасида қишки мусобақа давом этмоқда. Борган сари қизғин тус олаётган бу мусобақада область ва шаҳар биринчилигини эгаллаган спортчилар қатнашмоқда.

Ўтган душанба кунги ўйинда Тошкент индустриал техникуми командаси Қўқон шаҳри командасини 3:0 ҳисоби билан, САГУ командаси Оҳангарон «Ф-шаҳта» спортчиларини 3:0 ҳисоби билан ютдилар. Самарқандлик спортчилар Тошкент болалар спорт мактаби командаси устидан, Фарғона хотин-қизлар командаси Тошкент болалар спорт мактаби хотин-қизлар командаси устидан, СКИФ (Тошкент) волейболчилари Андижон педагогика институти спортчилари устидан ғалаба қозондилар. Самарқанд хотин-қизлар командаси Қўқон хотин-қизлар командаси билан бўлган ўйинда 3:2 ҳисоби билан ғалаба қилди.

Л. ПЬЯНЦЕВ.

———

„Мафтунингман“ фильми авторлари билан учрашув

Ўтган дам олиш куни Тошкентдаги «Ёш гвардия» кинотеатрида тамошабинларнинг «Ўзбекфильм» киностудияси яратган «Мафтунингман» бадиий фильми авторлари, режиссёрлари ва актёрлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тамошабинлар фильм режиссёри, республикада хизмат кўрсатган артист П. Аъзамов, А. Хўжаев, сценарий авторлари Т. Тўла, Н. Мелькумов, актёрлардан Ўзбекистон ССР халқ артисти Н. Раҳимов, фильмга музика ёзган композитор М. Бурҳонов ва бошқаларни қизғин кутиб олдилар.

Киностудия ижодий коллективи номидан сўзга чиққанлар фильмнинг қандай яратилгани ва айрим образлар устида олиб борилган ижодий ишлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Ғоят мароқли ўтган бу учрашувда 1,5 мингдан ортиқ тамошабин қатнашди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ФАН ОЛАМИДА

Юқори молекулали органик бирикмалар медицина хизматида

Ҳозирги замон кимё саноатининг асосий маҳсулотларидан юқори молекулали органик моддалар кейинги вақтларда халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг қўлланмоқда.

Юқори молекулали органик моддалардан ҳисобланган пластмассадан эса турли рўзғор асбоблари, электр ашёлари, ёзув-чизув қуроллари, енгил саноат товарлари ясалмоқда. пластмасса авиация ва машинасозлик саноатида ҳам кенг қўлланилаётир. Пластмассанинг халқ хўжалигида бунчалик кенг қўлланилишига сабаб, биринчидан, уни ҳосил қилишга жуда арзон маҳсулот ишлатилиши, иккинчидан, пластмассадан тайёрланган асбоб металлдан қилинган асбобга қараганда бир неча бор енгил ва турғун бўлиши, шу билан бир қаторда, пластмасса металл каби айрим бўёқ моддалар талаб қилмаслиги, учинчидан, пластмасса асбобларини тайёрлашда уларни исталган шаклга солишнинг осонлигидир.

Молекулали моддаларнинг бу фазилатлари медицина фанини ҳам қизиқтирди.

Пластмасса кейинги вақтларда медицинанинг ажралмас бир бўлими бўлган ортопедия (синган, чиққан организмларни даволовчи соҳа) практикасида кенг қўлланилмоқда. Масалан, у ҳозир сунъий қулоқ, тиш, бурун каби киши органларини ясашда жуда қулай материал ҳисобланади. Юмшоқлиги, ранги жиҳатидан киши терисининг сифатларига мос келадиган бундай пластмассалардан қилинган сунъий органлар ўзининг ташқи кўриниши билан табиий органлардан кам фарқ қилади.

Кейинги пайтларда кишилар қўли учун сунъий панжалар ясашда, кўз соққаси олиб ташланган беморларнинг кўз косачасига сунъий кўз соққаси қўйишда пластмассадан фойдаланилаётир. Юқорида айтилганлардан ташқари пластмассанинг медицина учун яна бир қулай томони— унинг киши организми учун зарарсиз бўлишидир.

Бир неча асрлар илгари халқ медицинасида одамларда лат еган (синган) мия суягини даволаш-чегалаш учун табиб ва врачлар табиатда учрайдиган турли нарсаларга мурожаат қилганлар. Улар, жумладан, тропик жойларда ўсадиган норжил ёнғоғининг қобиғини маъқул топганлар. Кейинчалик эса бу мақсад учун кумуш, олтин ва қўрғошиндан ясалган ясси, юпқа пластинкаларни қўллаганлар. Бу материалларга нисбатан пластмасса хирургия талабларига яхши жавоб беради.

Синган суякни пайвандлашда, норжил қобиғи, металл ишлатилиши операция қилинган жой ярасининг тез битишига халал беради ва яранинг тузалиши кўп вақтга чўзилади. Пластмасса эса бундай зарарли таъсир кўрсатиш у ёқда турсин, балки организм томонидан жуда яхши ва енгил қабул қилинади.

Пластмассадан қилинган сунъий томирлардан қон оқиш ҳодисаси юз берган тақдирда у бошқа соғлом қон томирларидан қон оққани сингари бир оздан сўнг ўзўзидан тўхтайди, чунки қондаги фибрин моддаси пластмасса тўқималари орасидаги бўшлиққа ўрнашади ва қон оқаётган тешикчаларни беркитади.

Оёқ ва қўл суяклари синган тақдирда сунъий пластмасса «суяк»ларини ишлатиш яхши натижалар берган. Пластмассадан ясалган бу суякларнинг яна бир афзаллиги шундаки, уларни металлдан қилинган баъзи бир қисмлар билан бириктириш жуда осон. Бу эса ўз навбатида фақат тўғри склет суякларини пайванд қилишгина эмас, балки бўғинликқайилиш, буралиш қобилиятига эга бўлган суяклар ўрнини босадиган сунъий органлар ясашга имкон беради.

Унча қаттиқ бўлмаган пластмассадан қилинган ортопедия протезлари (ясама аъзолари)дан фойдаланилганда киши организмида ёқимсиз оғриқ ҳосил бўлмайди. Тархибида хлор элементи бўлган хлорин деб юритиладиган пластмасса толаларидан тўқилган кийим бел оғриғи касалликларидан — радикулитни даволайди. Бошқа бир пластмасса толасидан тўқилган кийим радиоактив нурларни ўтказмайди, бу эса киши организмини зарарли нурлар таъсиридан сақлаш имкониятини беради.

Пластмассага ўхшаган юқори молекулали органик моддалардан бўлган ионитлар ҳам халқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Ионитлар медицинада жуда муҳим вазифаларни бажармоқда. Масалан, киши организмида учрайдиган тузлардан натрий элементининг миқдори ошиб кетса, кишида қон босими кўтарилиб кетади.

Бундай беморни тузатиш учун натрий элементининг бир қисмини ўзига ютиб олувчи ионитлар қўлланилади. Бу тадбир беморни оғриқлардан халос қилади.

Ионитларнинг баъзи бир турлари ошқозон касалликларидан меъданинг яллугланиши- гастрит, ошқозон яраси кабиларни хлорит кислотасининг миқдорини камайтириш учун ишлатилади.

Қоннинг ивиб қолиш хусусияти қонда бўлган кальций тузларининг таъсирига боғлиқ бўлиб, бу таъсирни йўқотиш мақсадида унга бошқа бир кимёвий модда (лимон кислотасининг натрийлик тузи) аралаштириш тавсия қилинган эди. Бу эса бир томондан қонни ивишдан сақласа, иккинчи томондан, табиий қон таркибига бошқа моддаларнинг кириб қолишига сабаб бўлади. Ана шу зарарли ҳолатнинг олдини олиш-йўлида профессор А. А. Багдасаров бошчилигидаги совет олимлари тадқиқот олиб бориб, жуда қулай ва содда усул топдилар. Улар ионитлар ёрдами билан қондаги кальций элементи миқдорини камайтириш йўлини ишлаб чиқдилар.

Ионитлар медицинага яқин бўлган фармацевтика фанини ҳам тез суръатлар билан ривожлантиришга катта ёрдам бермоқда. Антибиотиклар деб аталган, медицинада муваффақият билан ишлатилаётган пенициллин, стрептомицин каби дориларни ишлаб чиқариш ни соддалаштиришда ва таннархини камайтиришда ионитлар катта ёрдам бераётир.

Хулоса қилиб айтганда, юқори молекулали органик моддалардан пластмасса ва ионитлар халқ хўжалиги билан бирга медицинада ҳам кенг қўлланилаётир.

Л. ИКРОМОВ,

Тошкент фармацевтика институтининг ассистенти.

ТАМОША ЗАЛЛАРИДА

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 18/III да **Бой ила хизматчи**, 19/III да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 18/III да **Дилором**, 19/III да **Маскарад.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 18 ва 19/III да **Равшан ва Зулҳумор** (18/III га билетлар сотилган).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА—18 ва 19/III да **«Баҳор» халқ рақс ансамблининг ҳисобот концертлари.** Кеч соат 8 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Янги программада **цирк тамошалари.**

«ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН»— кундуз ва кечқурун **ЧП (Фавқулодда ҳодиса)** номли янги киноповестнинг 2- серияси.

«ЁШ ГВАРДИЯ» — эрталаб соат 10 да **Фарзандлар**, кундуз ва кечқурун янги кинокомедия **Ёшлик йиллари.**

«АВТОЗАПЧАСТЬ» МЕХАНИКА ЗАВОДИГА

қуйиш, гальвани усулида металл қоплаш, металларни қиздирмасдан ва термик усулда ишлаш, темирчиликпресс ва инструмент тайёрлаш ишларига доир **технолог инженерлар, бош бухгалтер**

КЕРАК

Ленинобод область, Конибодом шаҳрида заводнинг кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

Кинофильмлар прокати Ўзбекистон конторасиси

киноустановка экранларига

ЯНГИ ФИЛЬМЛАР ЧИҚАРАДИ

Пазухиннинг ўлими

номли фильм-спектакль

М. Е. Салтиков-Щедрин асари асосида ишланган.

Сценарийни ишловчи ва постановкачи— **Г. Никулин.**

Оператор — **Д. Месхиев.**

Ролларда:

М. Трояновский, В. Полицеймако, Н. Корн, А. Лисянская, И. Ефремов, О. Казико, М. Иванов, Н. Дмитриев, О. Виндинг, Н. Ургант, В. Чайников, Л. Малиновская, Л. Степанов, В. Липстоклар қатнашади.

Фильмни «Ленфильм» киностудияси 1957 йилда ишлаган.

Кўзали қиз

номли бадиий фильм

Лопе де Веганинг шу номдаги пьесаси асосида ишланган.

Сценарий автори — **Антонио Мас-Гиндал.**

Режиссёр — **Флориан Рей.**

Оператор — **Тэд Пале.**

Ролларда:

Пакита Рико, Петер Дамон, Рафаэль Аркос, Мануэль Кайсер, Арсенио Фрейгнак, Марче Бальестерос, Эмилио Алонсо Феррер, Антонио Пуга, Касимиро Уртало, Перес де Леонлар қатнашади.

Фильмни Испаниядаги «Атенеа ва Чамартин» киностудияси 1953 йилда ишлаган. М. Горький номли киностудияда рус тилига таржима (дубляж) қилинган.

Дубляж режиссёри—**В. Войтецкий**, овоз оператори — **З. Карлюченко.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси № 34, РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 34808. 136, Совет қурилиши бўлими 136 Маданият бўлими — 132. Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 137. Қишлоқ хўжалик бўлими — 29040, 135. Саноат ва транспорт бўлими — 34048, 132. Хатлар бўлими — 34048, 156. Маҳаллий ахборот бўлими — 132. Секретариат — 29040, Эълонлар бўлими— 28142.

409. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Б-1552.